

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 28 СЕНТЯБРЬ КУНИ ТЕХНИК ЖИХАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШ, СТАНДАРТЛАШТИРИШ, СЕРТИФИКАТЛАШ ВА МЕТРОЛОГИЯ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОХОТЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНГАН ЙИГИЛИШ ЎТКАЗДИ.



# HUQUQ

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq.uz

2020-Ҳ. 1-ОКТАБР, №39 (1236)



## МЕҲР – АЁЛ СУЯНЧИ

Хаётимизнинг файзи ва кўрки бўлган хотин-қизларни эъозлаш халқимиз учун азалдан буюк қадрият бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

**Дилшод ФАЙЗИЕВ,**  
Бухоро вилояти прокурори

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини

ташқил этиш тўғрисида»ги қарори маҳалла институтининг самарадорлигини ошириш, фуқаролар йиғинларини хар томонлама қўллаб-қувватлаш, тизимдаги муаммоларни бартараф этиш учун муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

Маҳалла институти ислох қилиниши натижасида оилавий ажримларнинг олдини олишга, давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ажримлар қайтадан учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Давоми 4-бетда

## УНУТИЛГАН МАКОН

Бугунги кунда халқнинг дарду ташвишлари билан яшаш, фуқароларимизни рози қилиш давлат органлари олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади.

Айни дамларда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари Абдухалим Холмаҳматов раҳбарлигидаги гуруҳ Миробод туманидаги ахволни ўрганмоқда.

Жумладан, Тошкент шаҳрининг қок марказида жойлашган Тошкент шаҳар маданий мерос бошқармаси тасарруфида бўлган «Мингўрик» маданий мерос объекти гуруҳнинг эътиборини тортди.

Ушбу археологик ёдгорлик Миробод тумани Моштабиб кўчаси 31-уйда жойлашган бўлиб, бугунги кунда бу ёдгорликни шаҳар марказидаги унутилган тарихий макон деб атаса бўлади. Тошкентнинг узок тарихи ҳақида сўзловчи бу маскан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 апрелдаги «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига асосан зиёратчилар учун очилган.

Мазкур ёдгорлик ҳақида тўхталадиган бўлсак, бу макон маҳаллий аҳоли зиртхонасида «Афросиёб тепалиги» номи

билан ҳам машҳур бўлган. Мингўриқда олиб борилган илмий текширишлар натижасида шахристон (15 гектар) ва арк (0,5 гектар) майдонлари, шаҳар ҳаётининг уч асосий босқичи аниқланган.

Мингўриқдаги шаҳар харобаси 1865 йилдан сўнг қад кўтарган «Янги шаҳар» деб аталган қисмида бўлиб, 1871 йили ту-

ширилган шаҳар тарҳига қараганда, у 30 гектардан ошқоқ майдонга эга бўлган.

Археологик ёдгорлик 2017 йилнинг январь ойида Тошкент шаҳар маданий мерос бошқармаси масъуллари томонидан тадбиркор Б.Абдуллаевга ижарага бериб юборилганидан сўнг унутилган. Ёдгорликда зиёратчилар учун бугунги кун талабига мос шароит яратилмагани, ободонлаштириш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилгани натижасида бу жой инсон қадам босмайдиган қимсасиз мас-



канга айланган. Туман мутасаддилари ҳам шу кунга қадар бунга панжа орасидан қараб келишган.

Ушбу объектнинг ёғинасида жойлашган Амир Темуру шохқўчаси 7-уйда ёлғиз яшаган А.Ишанов 2016 йилда вафот этган бўлса-да, унинг хонадони бугунги кунга қадар эшик ва деразалари очик ҳолатда қаровсиз қолдирилгани, бу билан хонадонда муҳим воқеалар содир этишга шароит яратиб қўйилгани маълум бўлди.

Айтиш жоизки, бугунга қадар тумандаги мутасадди идора масъуллари ва секторлар бўйича ташқил қилинган 37 та кичик гуруҳ томонидан 1555 та хонадон, 1257 та ижтимоий ва бошқа объектлар ўрганилиб, хонадонларда 227 та, ижтимоий объектларда 664 та муаммо аниқланди. Уларнинг 582 таси жойида ҳал этилди, қўшимча вақт талаб этадиганлари бўйича қисқа фурсатда ҳал қилиш учун секторлар раҳбарлари ва масъулларга топширилган берилди.

Шунингдек, ўрганишларда аҳолининг муурожаатлари ҳам эшитилмоқда.

Туманда ёлғиз яшовчи 291 нафар кексанинг шароити ўрганилиб, уларга тиббий хизмат ва моддий ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилмоқда.

Асосийси, фуқаролардаги ишонч ва Республика ишчи гуруҳи фаолиятдан мамнулик масъулларни янада фаол ишлашга руҳлантираётгани.



2020 йил 30 сентябрь  
соат 17:00 ҳолатига



Қасалланганлар  
56 717 нафар



Соғайганлар  
53 366 нафар



Вафот этганлар  
470 нафар



FAOLIYAT

## НАВБАТДАГИ МАНЗИЛ — ЯШНОБОД

Куз-қиш мавсумига қизгин тайёргарлик жараёни кетаётган айна кезларда пойтахтимизнинг Яшнобод туманида фаолиятини давом эттираётган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори генерал-майор Шухрат Узаков раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ Дўстобод маҳалла фуқаролар йиғини, Паркент, Сандиқли ва Машҳадий кўчаларида бўлиб, аҳоли турар жойлари ва ижтимоий соҳа объеклари аҳолини ўрганиши.

Жараёнда бир қатор муаммо ва камчиликлар аниқланиб, уларни бартараф этиш учун кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан йўл харитаси ишлаб чиқилди.

Масалан, 1966 йилда қурилган 360 ўринли 329-сонли мактабгача таълим муассасаси биноси ҳозирга қадар таъмир дастурига тушмагани боис капитал таъмирлашга муҳтож.

Паркент кўчасида ўрганилган кўп қаватли уйлارнинг аксариятида лифтлар ишламайди ва фойдаланиш муддати ўтганлиги сабабли янгисига алмаштириш талаб этилади.

Машҳадий 2-тор кўчасидаги 1956 йилда қурилган 3 қаватли уйлارнинг том қисми таъмир

талаб аҳволда. Сандиқли кўчаси эса пастликда жойлашганлиги сабабли ёғингарчилик пайтида уйлارга ёмғир сувлари оқиб қиради ва шу боис кўп вақтдан буён таъмирлаш ишлари ҳам амалга оширилмагани натижасида турар жойлар абгор ҳолатга келиб қолган.

Ишчи гуруҳи раҳбари томонидан ушбу уйларида яшовчи фуқароларнинг муурожаатлари тингланиб, муаммони ижобий ҳал қилиш бўйича сектор раҳбарига тезкор топшириқлар берилди.

**Ботирбек СОБИРОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий  
прокурорининг катта ёрдамчиси

JARAYON


## ОИЛАЛАРГА БАХТ ҚАЙТДИ

Ҳар қандай оилада келишмовчилик бўлиши мумкин. Уни ақл билан, керак бўлса, ўзаро ён босиб бартараф этганлар ўртасида меҳр-оқибат кўтарилмайди. Аксинча, иззатталаблик қилиб, арзимаган сабаб билан жанжаллашиш, бир-бирини беҳурмат қилиш кўнгилни совутади.

Прокуратура органлари жамоатчилик билан бирга нотинч оилаларни муросага келтириш, муаммоларини ҳал этиш, ажрашишларнинг олдини олиш борасида иш олиб бораётти. ФХДЁ ёки суд томонидан никоҳи бекор қилинган оилалар фарзандларининг таъминоти муҳим масалалардан бўлиб қолмоқда.

Фаргона вилояти прокуратураси жойлардаги ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда алимент ундириш билан боғлиқ суд ҳужжатларининг ижросини таъминлаш, қарздорларни ишга жойлаштириш, алимент тўлашдан бўйин товлаб келаётган шахсларга нисбатан жазо муқаррарлигини таъминлаш ҳамда тарафларни яраштириш чорасини кўриб келмоқда.

2020 йилнинг бошидан 20 сентябргача ҳудудларда 18 марта сайёр суд мажлиси ўтказилиб, алимент тўлашдан мунтазам бўйин товлаб келган 120 кишига нисбатан маъмурий қамок жазоси тайинланган бўлса, 6 киши жиноий жавобгарликка тортилган.



Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари билан бирга ўтказилган тадбирлар давомида 750 млн. сўмдан ортик алимент ундирилди. Шунингдек, бандлик бўлимлари билан бирга 160 нафарга яқин қарздор ишга жойлаштирилиб, алимент уларнинг иш ҳақидан ундириладиган бўлди. Энг муҳими, 54 та ёш оила яраштирилди ва ижро ҳужжатлари ўз вақтида тамомланди.

**Обиджон СОБИРОВ,**  
Фаргона вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи



Шу ўринда таъкидлаш жоизки, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида учувчисиз учуш аппаратларини Ўзбекистонга рухсатсиз олиб кириш, сотиш ва улардан фойдаланиш 2015 йилнинг 1 январидан тақиқланган.

2017 йил 13 июлда қабул қилинган 436-қонунга асосан учувчисиз учуш қурилмаларидан ноқонуний фойдаланиш жиноий ва маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади.

Суд залидаги панжара ортида ўтирган икки шоввоз бу тартибдан хабарсиз эди дея олмаيمиз. Чунки Собир Юсуповнинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) барчасидан хабари бор эди. Шунинг учун ҳам у «Phantom 4» маркали дронни Қозғоғистондан сотиб олиб, Ўзбекистонга яширинча олиб кирган ва ундан қонунга хилоф равишда фойдаланиб келган.

С.Юсупов дронни қўлга қиритгандан сўнг ундан фойдаланиб пул топишни мақсад қилади. Бу йўлда Илҳом Икромовни шерик қилади. Икковлон тўйларни тасвирга олишда мазкур қурилмадан фойдаланиб, яхшигина пул топишган.

Кўза кунда эмас, кунда синади. Кунни келиб С.Юсупов ва И.Икромовнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйилди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ўтказган тадбирда улар Тошкент вилоятида жойлашган қорхона 4 млн. 500 минг сўм эъзизга фото ва видеотасвирга тушириб бераётган пайтида ушланди.

Яна бир ҳолат. Шухрат Ўлмасов ва Умар Алиев ҳам дрондан қонунга хилоф равишда фойдаланиб келгани маълум бўлди. Улар «Mavic pro» маркали учувчисиз учуш аппаратида тўйларни видеотасвирга тушириб юришган. Шу орада уларнинг уйларига ички ишлар ходимлари келиб, дрон ҳақида суриштиради. Шундан сўнг Ш.Ўлмасов ва У.Алиев ноқонуний қилмишларини яшириш мақсадида дронни тоғаси Мухсин Холиқовга бериб юборади. У эса ўз хонадонидан аппаратни қонунга хилоф равишда сақлаб туради.

Ноқонуний қилмиш ошкор бўлмасдан қолмайди. Суриштирув жараёнида Ш.Ўлмасов, У.Алиев ва М.Холиқов айбларига иқроф бўлишди.

Мазкур ҳолатлар жиноят ишлари бўйича Сергели тумани судида кўриб чиқилди. Судланувчиларга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Хулоса қиладиган бўлсак, дронлардан фойдаланишни мақсад қилган ташкилотлар, аввало Вазирлар Маҳкамасидан рухсат олиб, сўнг қурилмага буюртма беришлари талаб этилади. Яна эътибор қаратиш лозимки, қурилма ишлаб чиқарилган қорхона ёки воситачи ташкилот билан шартнома тузилиб олиб келиниши лозим. Бундан ташқари, қурилма сотилган жойда операторлар ўқитилиши ва уларга махсус билим берилиши шарт.

**Хасан САЛИХОВ,**  
Тошкент авиация транспорт прокуратураси терговчиси

# ОЧИҚ ДАРС



Сентябрнинг илк кунлари эди, она тили ва адабиёт фани муаллимимиз дарсни туғатиб кетаётди:

– Болалар, «Тўмарис – халк қахрамони» мавзусида очик дарс ўтагимиз, – деб қолди.

Ҳаммамиз китобимизни варақлай бошладик. Аммо бундай мавзу дарслиқда йўқ эди. Шунда муаллим тарбиявий соат ҳисобидан ўтмоқчи бўлаётгани ушбу дарсни янгича методда ташкил этиши, саҳна кўриниши тайёрлашимизни айтди. Кейин менга юзланиб: «Сен Тўмарис монологини ўқийсан. Ёдлашинг керак», – деди. Шундан сўнг душман ҳукмдори Қир, маликанинг ўгли Спарганис роллари ҳам тақсимланди. Устоз ўзи ёзган сценарий асосида қаҳрамонларнинг сўзларини оқ варақка ёзиб, кўлимизга берди. Мен салкам икки варақ маттни ёдлашим керак эди.

Ўша кунни уйга бориб апил-тапил чойимни ичдим у пахтазорга чоғдим. Қош қорайгунча пахта тердик. Эртасига ҳам уч соат дарс ўқилганидан кейин пахтага чиқаришди. Алламаҳалгача далада қолиб кетдик. Ҳориб уйга келгач, маттни ёдлашга туғинибману ухлаб қолибман...

Биринчи соат – очик дарс. Мен устозимга маттни ёдлаганимни айтдим. Унинг аччиқлигини кутганидан, йўқ, ундай бўлмади. Дарсни бошқача методда ўтиши ҳам мумкин-

лигини айтиб, елкамга қокиб қўйди. Очик дарсни кузатиш учун бир неча ўқитувчи синфга кириб келишди. Устоз магнитофон олиб келди-ю, стол устига қўйди. Доим шундай. У дарсларни турли услубда ўтишга ҳаракат қилар, янгича дарслар ўқувчилар ёдида муҳрланиб қолишини яхши биларди.

Тўмариснинг кимлиги, ватан озодлиги йўлидаги қаҳрамонлиги ҳақида маълумот бергач, бизга юзланиб:

– Энди мавзунини мустаҳкамлаш учун Тўмарис монологини эшитамиз, – деди-ю магнитофон тугмасини босди. Тасма айлана бошлади. Хириллаган товуш эшитилди:

«Ватан! Унинг ҳар бир қаричи муқаддасдир. Ота-боболарим – улўғ массагетлардан мерос бу кенгликлар менга жонимдан-да қадри...».

Бу биз учун тамомила янгилик эди. Ҳамма жон кулўғи билан Тўмариснинг сўзларини тинглар, мен эса бу монологни маҳорат билан ўқиётган аёлга ҳамда устознинг тиниб-тинчимаслигига қойил қолардим.

«Жоним не бўлибди, ҳатто жондан азиз ўғлимнинг ҳаётини ҳам халқим озодлиги, ватан келажакига алмашмайман. Эй, конхўр Қир! Сен жасур массагетларни энгиб бўлмастлигини энди тушунгандирсан?! Ҳамма йигитларимизни қирдим деб ўйлаясанми? Тўғри, улар халок бўлди. Аммо мана бу жангчилар йигитлар эмас, улар

кабиламиз кизлари! Сўнги нафасигача мардонавор олишган, қора сочлари тупрокда тўлғонган хур қизлар, сенга кул бўлишдан ўлимни афзал кўрган малаклар! Эй, конхўр...».

Шу пайт бирдан магнитофон тўхтаб қолди. Кассета айланмас, афтидан, ток ўчиб қолган эди. Устозимиз вазиятдан чиқди. Монологнинг қолганини ўзи ўқиб берди. Кейин бизни битта-битта доскага чорлади: бугунги дарсдан олган асосий таассуротларимизни айтиб бера бошладик. Мен ҳаяжонланганимданми ё ҳали ҳам маттни ёдлаганимга хиҷолатданми «ватан» сўзини доскага «ватаан» деб ўзибман. Шунда бир синф бола гувиллаб хато ёзганимни айтди. Мен устозимга иккинчи марта панид берганимдан доғдирай бошладим. Энг охири партада дарсни кузатаётган мактаб директори ва «завуч»га ялт этиб қарадим сўзни ўчиришга чоғландим. Аммо устозим мени тўхтади. У бу ҳолатга бутунлай бошқача изох бердики, хозир ҳам ўша сўзларни эслаسام, титраб кетаман.

– Болалар, тинчланинг. Синфдошингиз хато қилмади. У бу жонажон сўзни хайкириб айтмоқчи бўлди, ҳолос. Ахир Тўмарис афсонасини тинлагач, ватан сўзини шунчаки айтиб бўлармиди?!

Бу калом юрақларимиздан отилиб чиқмоғи, шу юрт туپроғини деб жон фидо қилган ота-боболар ёди калбимизни бедор этиб турмоғи даркор. Унутмангки, юртини севган одам унинг истиқболини ёркин тасаввур этади ва бу йўлда жонини ҳам аямай интилади!

Танаффусга қўнғироқ чалинганида, гарчи дарс жуда яхши ўтган бўлса-да, устознинг қайфияти яхши эмасди. Мен уни тушундим. Устозимни режадан ташқаридаги мавзу асосида ўтган очик дарсининг таҳлили коникарсиз баҳолангани эмас, балки ўқувчиларнинг ватан тарихидан анча узоклиги, дарсларни ҳар хил усулларда ўтиш имконияти йўқлиги, кишлоқ мактабларининг хароб аҳволи, ёшларнинг келажакга кўпроқ ташвишлантирарди...

Эртаси кундан мактаб бутунлай ёпилди. Ҳамма далага

чиқди. Ўша йили қоп-қора даладар оппоқ қорга белангунча мактабимиз очилмади. Эгاتлар орасидан йўтал товушлари тинмасди. Қўзлари яхши кўрмаса ҳам устозимиз биз билан бирга пахта терар, янги китоблар, адабиёт ҳақида сўзлар, ўт ёқиб исиниб олишга ундар ва ўзи билмаган ҳолда бир неча қалба адабиётга муҳаббат, сўз сеҳрини хис қилишга рағбат, ёркин келажакка умид уйғотарди...

Устозим Самандар Матёкубовни охириги бор кўрганми – университетга кирганимни айтганимда ёш боладай шодлангани ҳамон кўз ўнгимдан кетмайди. Ўшанда унинг қўзлари буткул кўрмай қолганди.

...Устоз ҳозир орамизда йўқ, аммо у калбларимизда ёқиб кетган маъшъл ҳамон йўлларимизни ёритиб турибди. Ўқитувчи меҳнати муносиб қадр топди. Шу боис ҳар сафар муаллимимни эслаганимда беихтиёр пичирлайман: «Сиз орзу қилган замонлар келди, устоз!...».

**Юлдуз ҲОЖИЕВА,**  
журналист

## УСТОЗГА ЭҲТИРОМ

Болалик ҳаётнинг орзу-умидларга тўла фасли. Бу даврда инсон атрофга синчковлик билан боқади. Қайсидир касб эгаларидан ибрат олиб, улардай бўлишни хоҳлайди. Қалқон ёшлигидан прокуратура ходимларига ҳавас билан қарар, «Мен ҳам улғайиб одамларнинг ҳуқуқини ҳимоя қиламан» дея орзу қиларди. У ҳавас қилибгина қолмай, қатъият билан мақсад сари интилди.

Қалқон Аҳмедов 1947 йил 16 февралда Чирокчи туманида туғилган. Мен уни ёшлигидан биламан. Бир синфда ўқиганмиз. У оилада, мактабда ва ҳаётда кўп нарса ўрганди. Мақсадга етиш йўлида ўқишдан, изланишдан чарчамасди. Мактабни битирганининг биринчи йили Тошкент давлат университетининг юридик факультетига кириш учун етарли балл тўплай олмаганида ҳам руҳи тушмади. Янада кўпроқ ўқишга, ўрганишга интилди. Ниҳоят 1966 йилда юридик факультет талабаси бўлди.

Университетни битиргач, республика прокуратурасининг йўлланмаси билан Шаҳрисабз туманлараро прокуратурасида прокурор ёрдамчиси сифатида ишлай бошлади.

– Шаҳрисабзда ишлаган даврим мен учун жуда катта сабоқ бўлди, – дея

эслайди Қалқон Аҳмедов. – Университетда олган билимларимни амалиётга татбиқ этишга қийналган пайтларим кўп бўлган. Шунда Остон Турсунов, Ботир Калонов ва Абдухалил Холиков сингари тажрибали ҳуқуқшунослардан маслаҳат олардим. Шу билан бирга, архивда сақланаётган ишларни синчиқлаб ўрганар эдим. Қонуларни тушуниб тўғри татбиқ этайманми деб ўйланардим. Иккиланган пайтимда устозларимдан маслаҳат сўрардим. Эртами, кечми бирон-бир тушунмаган нарсамни сўрасам, улар ҳеч оғринмасдан тўғри йўл кўрсатишган. Кечаси билан китоб қараб чиққан пайтларим ҳам бўлган. Бу ердаги беш йиллик иш жараёнида устозлар кўмағида анча тажриба орттирдим.

Шаҳрисабз сабоқлари Қалқон Аҳмедовга кейинги фаолиятида кўп асқотди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда бурчини қай даражада удралаш касамёдага садоқат, эл-юрт ишончини оқлашга боғлиқ. Қалқон Аҳмедов буни бир лаҳза бўлса-да унутмади. Шу боис қаерда, қай вазифада ишлаганим, ўзига топширилган ишни муқаммал адо этишга интилди. 1975 йилдан 1985 йилгача Қашми туманида икки муддат прокурор бўлиб ишлаганида ҳам, 1996 йилда эса Дехқонобод туманида прокурор бўлганида ҳам, 1985 – 1995 йилларда Чирокчи тумани прокуратурасида прокурор ёрдамчиси ва терговчи, кейинчалик Усмон Юсупов (ҳозирги Миришкор) тумани прокурори ёрдамчиси, Қашқадарё вилояти прокуратурасида бўлим прокурори вазифаларида ишлаганида ҳам, 1999 йилнинг апрелидан 2007 йилнинг февралигача, яъни пенсияга чиққунига

қадар Чирокчи тумани прокуратурасида туман прокурорининг катта ёрдамчиси сифатида фаолият кўрсатганида ҳам имон-эътиқодига содиқ қолиб, ҳақиқат тарафида бўлди.

– Прокуратура ходими ўз вазифасини тўлиқ бажаришда университетда олган билимларига таянади, албатта, – дейди Қалқон Аҳмедовнинг шоғирди, Китоб тумани прокурори Тоғмурод Муродов. – Ҳар соҳанинг ўзига хос хусусияти, нозик ва жумбоқли жиҳатлари борки, амалиётда айрим муаммоларнинг ечимини топиш учун катта тажриба ва билимга эга бўлган кишига мурожаат этишга тўғри келади. Шу тарзда устоз-шоғирд анъаналари пайдо бўлади. Шу маънода мен ҳам устозим Қалқон акадан кўп нарса ўрганганман. У киши шоғирдларидан вақтинин ҳам, билиминин ҳам аямайди. Қонуларни муқаммал билладиган, талабчан, тафаккури кенг, мулоҳазали инсон.

Қалқон Аҳмедовнинг ҳаёт йўли эса ватанга садоқат билан хизмат қилишнинг ёркин намунаси, ёшларимиз учун ибрат мактабидир.

**Норбўта ҲОЗИЕВ,**  
«Нур»

# МЕҲР — АЁЛ СУЯНЧИ

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Бухорода низоли оилалар билан индивидуал ишлаш мақсадида 2019 йил 27 августда вилоят ҳокими ва прокурорнинг «Оилаларни мустаҳкамлаш, нотинч ва ажралиш ёқасига келиб қолган оилалар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қўшма фармойиши қабул қилинди. Фармойиш асосида 2-секторда хотин-қизлар ҳуқуқий-психологик маркази ташкил қилиниб, унга 6 нафар прокурор ва 12 нафар психолог жалб қилинди. Ҳозиргача 484 нафар хотин-қиз қабул қилиниб, шундан 114 таси ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилди.

Сектор штаблари жалб қилинган психологлар тузган режага асосан жойларда ажрим ёқасига келиб қолган аёллар билан учрашувлар, «Ёш оила ҳаётида ахлоқ ва тарбиянинг роли», «Оилада китобхонлик маданияти», «Соғлом турмуш тарзи» каби мавзуларда тренинглар ўтказилапти.

Мақкур учрашувларда аёллар ўз муаммоларини бир маҳаллада яшовчи фаолларга айтишдан уялиб, қийин ҳолатларга тушиб қолаётгани маълум бўлди. Марказ психологлари эса муаммоси бор аёлларнинг номини ҳеч қандай қилмаган ҳолда суҳбат ўтказиб, муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашмоқда.

Гиждувон туманида 78 нафар, Вобкенгта 55 нафар, Шофирконда 69 нафар, Ромитанда 86 нафар, Когон туманида 47 нафар, Пешкуда 55 нафар, Бухоро туманида 58 нафар, Қоровулбозорда 74 нафар хотин-қизга ҳуқуқий ва психологик маслаҳат берилган.

Ушбу ҳаракатлар натижасида ажрим ёқасига келиб қолган 126 та оила яраштирилди. Шунингдек, ушбу оилалар билан доимий муолима таъминлаш мақсадида ҳар бирига прокуратура ходими бириктирилган.

Бундан ташқари, 2-секторда низоли оилалардан мунтазам хабар олиш мақсадида 2400 нафар хотин-қиз билан суҳбат ўтказилиб, 900 га яқин муаммо ҳал этилган. Бирок вилоятда ҳар 448 та оиланинг бирида ажрим кузатилаётгани бу йўналишдаги ишларни жонлантириш лозимлигини кўрсатмоқда.

Фуқаролик ишлари бўйича судларда никоҳдан ажратиш тўғрисидаги 1135 та иш кўрилиб, 928 та ҳал қилув қарори чиқарилган, шундан 745 та даъво қаноатлантирилган, 183 та даъво

қилинган, 147 та фуқаролик иши тугатилган, 60 та даъво кўрмасдан қолдирилган.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, эрта туғруқ ва эрта никоҳнинг олдини олиш масаласи доимий таҳлил қилиб келинмоқда.

Афсусланарлиси, 15-16 ёшли қизлар ўртасида тўртта эрта туғруқ қайд этилган (Когон шаҳрида иккита, Гиждувон ва Қорақўл туманларида биттадан). Шунингдек, Гиждувон ва Қорақўл туманларида бир нафардан 17 ёшли қизда эрта туғруқ қайд этилган.

Ўрганиш шуни кўрсатдики, 3 та ҳолатда ота-онанинг ўз фарзанди таълим-тарбиясига эътиборсизлиги, 1 та ҳолатда таълим муассасаси билан ота-онанинг ҳамкорлиги йўлга қўйилмагани ва 1 та ҳолатда ота-онанинг узок муддат уйда бўлмагани сабабли қизларнинг тарбиясида ўзгариш рўй берган. Шундай ҳолатларнинг олдини олиш, қаровсиз қолган болалар билан бевосита ишлаш мақсадида электрон дастур яратилиб, уларнинг қонуний манфаатлари прокурорлар томонидан муҳофаза қилинмоқда.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривож-

нинг муҳофазати асосан унинг турмуш ўртоғи Ш.Остоновга 30 млн. сўмлик имтиёзли кредит ҳисобига 6 та тикув машинаси олиб берилиб, 6 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланган. Худди шу каби «Ромитан томорқа экспорт» кооперативи ташкил этилиб, 4 гектар ерда 57 фуқарога 2,5 сотихли иссиқхоналар қуриб берилиши натижасида 115 нафар хотин-қиз ишли бўлди. «Ҳар бир оила – тадбиркор» давлат дастури асосида фуқаро Ю.Очиловага 50 млн. сўмлик имтиёзли кредит ажратирилиши орқали уйда пишириқ цехи очилишига, шу асосда 9 кишининг бандлиги таъминланишига эришилди.

Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож 1533 нафар хотин-қизга турли хил ёрдам кўрсатилган.

Қайд этилганлардан ташқари, фуқаролик ишлари бўйича Гиждувон туманлараро судининг 2020 йил 22 июндаги Б.Бахроновани ҳамда шу суднинг 24 июндаги К.Жўраевани «Гиждувон деҳқон бозори» АЖга назоратчи вазифасига ишга тиклаш тўғрисидаги ҳужжатлари Мажбурий ижро бюросининг Гиждувон тумани бўлимига 24 июль ва 1 июль куллари келиб тушган. Шу кун ижро ишини юритиш

## Аёлларнинг муаммоси — дардларини очиб айтолмаслигида.

лантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағал оилаларни «Темир дафтар»дан чиқариш, қийналган оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, вилоят прокуратура секторидagi 135 та маҳаллада 121 882 та оила бор. Уларда яшайдиган 258 654 нафар хотин-қиздан 1692 нафари ишсиз эканлиги аниқланиб, ҳозир 958 нафарнинг бандлиги таъминланган. Хусусан, Пешку, Жондор, Гиждувон ва Шофиркон туманида яшовчи 400 нафар хотин-қизга кооперация асосида бепул тикув машинаси олиб берилиб бандлиги таъминланди. Масалан, Шофиркон туманида «Ekvatorial step» корхонаси ташкил этилиб, унга ижтимоий кўмакка муҳтож 100 нафар хотин-қиз ишга қабул қилинди.

Ромитан туманида хунарманд Д.Ғафурова 160 нафар хотин-қизга каштачиликни ўргатиши натижасида уларнинг меҳнат билан банд бўлишига эришилди.

Бундан ташқари, вилоят прокуратура томонидан мигрантлар билан ўтказилган онлайн суҳбатда Россияда ишловчи М.Остонов-

тўғрисида қарор чиқарилиб, нусхаси тарафларга юборилган. Ижро ҳаракатлари натижасида Б.Бахронова ва К.Жўраева «Гиждувон деҳқон бозори» АЖнинг 14 июлдаги буйруқлари билан назоратчи вазифасига ишга тикланди.

Ҳозир прокуратура секторларида аҳолини камбағалликдан чиқариш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш бўйича иқтисодий тармок ташкилотларидан бириктирилган гуруҳлар билан биргаликда 2-секторда 1034 нафар хотин-қизни иш билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Қорондидагилардан келиб чиқиб, ажрим ёқасига келиб қолган оилалар билан мутлақо янгича тизим орқали ишлаш, шаръий никоҳ асосида яшаётган оилаларнинг никоҳини қонунийлаштириш, жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган аёлларни иш билан таъминлаш, маҳалаларда соғлом маънавий муҳитни шакллантириш, комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ва ҳаққоний ишлашини таъминлаш каби муҳим вазифалар амалга оширилиши лозим.

# ОДИЛ СУДЛОВ САМАРАДОРЛИГИ

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизими ислоҳ қилиниши натижасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имконияти кенгайди.

Хусусан, ноҳақ айбланган 2300 га яқин киши оқланди, 2500 дан ортик ёшлар ва хотин-қизларга маҳалла ва жамоатчилик кафилиги асосида энгилроқ жазо тайинланиб, ўз оилалари бағрида қолдирилди. Ҳуқуқ-тартибот органларининг инсон ҳуқуқларини бузган 60 нафар ходими жиноий жавобгарликка тортилди.

Бирок суд ҳимоясини таъминлашда бюрократик тўсиқлар сакланиб қолаётгани, суд қарорларини қайта кўришнинг бир-бирини такрорловчи босқичлари амал қилаётгани ва бошқа бир қатор камчиликлар суд органларининг тузилишини замон талаблари ва халқор стандартларга мувофиқ қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга мурожаатида суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш борасидаги вазифалар белгиланган эди. Уларни изчил амалга ошириш, фуқароларнинг судга ишончини мустаҳкамлаш, ишларни судда кўриш сифатини ошириш ҳамда тарафларнинг тенглигини таъминлаш мақсадида «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармон қабул қилинди. Унга кўра 2021 йил 1 январдан бошлаб вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизда судьяларнинг қатъий ихтисослашувини саклаб қолган ва суд ишларини юритиш турлари бўйича алоҳида судлов ҳайъатларини ташкил этган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар умумюрисдикция судлари ташкил этилади. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилади. Маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўришга ихтисослашган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро маъмурий судлар ташкил этилади ва шу муносабат билан туман ва шаҳар маъмурий судлари тугатилади.



Суд ишларини назорат тартибда кўриш институти тугатилиб, Олий суд раиси, Бош прокурор ва уларнинг ўринбосарларининг суднинг ҳал қилув қарори, ҳукми, ажрими ва қарори устидан назорат тартибда протест келтириш ҳуқуқи бекор қилинади. Жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш босқичида иш юзасидан қарорларни тортишув тамойилига риоя этган ҳолда тарафлар иштирокида қабул қилиш тартиби белгиланади ҳамда жиноят ишнинг умумий тартибда кўриб чиқилишига монелик қилувчи омиллари тез аниқлаш ва бартараф этиш имконини берадиган дастлабки эшитув босқичи киритилади. Прокуратура томонидан суднинг қонуний қучга кирган ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарори бўйича ишларни улар юзасидан тарафларнинг мурожаати бўлган ҳолдагина суддан олиб ўрганиш тартиби ўрнатилади.

Мақкур фармон фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш орқали одил судлов самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

**Муҳиддин ИНОМХОНОВ,**  
Олтириқ тумани прокурорининг ёрдამчиси

# ID-КАРТАЛАР – РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЯНА БИР АФЗАЛЛИГИ

Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида кўплаб халқаро ҳужжатлар, жумладан, 1944 йилда қабул қилинган Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Чикаго конвенцияси ҳамда 2004 йилдаги Халқаро фуқаро авиацияси ташкilotи (ИКАО) Монреаль ассамблеясининг резолюцияси ижросини таъминлашда қатнашмоқда.

Мазкур ҳужжатларга мувофиқ ва ИКАО аъзоси сифатида ўз мажбуриятларига риоя қилган ҳолда биометрик паспорт – электрон ҳаракатлини ҳужжати жорий этди. Биометрик паспортларнинг эгаси ҳақида биометрик параметрлар – рақамли фотосурат ҳамда бармоқ изи туширилган биографик маълумотларни ўз ичига олган махсус электрон чип билан таъминланган.

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда электрон ахборот манбасига эга биометрик паспортлардан дунёнинг аксарият мамлакатларида фойдаланилади. Улар халқаро фуқаро авиацияси хавфсизлигини таъминлаш, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларнинг қалбақлаштирилишига қарши ҳимоя даражасини ошириш, давлат чегарасидан ўтишда шахсни тез ва аниқ идентификациялаш механизмининг такомиллаштириш мақсадида жорий этилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони имзолангач, бу борадаги ишлар янги босқичга кўтарилди.

Мазкур ҳужжат мамлакатимизда ахборот тизимини жадал ривожлантириш, аҳолига давлат хизматларини кўрсатишда замонавий ахборот-комму-

никация технологияларидан кенг фойдаланиш, турли ахборот тизимларида ва масофавий хизмат кўрсатишда шахсни идентификациялашнинг ягона механизминини жорий этиш, шунингдек, 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида қабул қилинди.

Фармон асосида биометрик паспорт тизими инфратузилмаси негизда Ўзбекистон фуқаросининг 2011 йилги на-



ID-КАРТА ЭГАСИНИНГ ҚУЙИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРИ КИРИТИЛАДИ:

БИОГРАФИК МАЪЛУМОТЛАРИ

РАҚАМЛИ СУРАТИ

ҚЎЛ БАРМОҚЛАРИНИНГ ИЗЛАРИ  
16 ЁШГА ЕТГАНДАН Кейин

ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗО  
КАЛИТИНИНГ СЕРТИФИКАТИ

расмийлаштириб берилди ва кўрсатилган хизмат учун кўшимча тўлов ундирилмайди.

Идентификация картасининг бланкасида эгасининг миллати ҳақидаги маълумотлар кўрсатилмасдан, ID-картанинг чипига киритилади.

Фуқаро ўз ID-картасини олиш ёки алмаштириш юзасидан ўз вақтида мурожаат қилмаган, яроқсиз ҳолга келтирган ва йўқотиб қўйган тақдирда, маъмурий жавобгарликка тортилмайди.

## Ҳозирги биометрик паспортлар 2031 йилдан ҳақиқий ҳисобланмайди.

мунадаги биометрик паспортни ўрнига 2021 йилдан бошлаб ID-карталарни расмийлаштириш ва бериш тизими жорий этилади.

Унга кўра, ID-карталар белгиланган ҳужжатлар қабул қилиб олинганидан сўнг 1 иш куни мобайнида расмийлаштириб берилди. Идентификация картасини расмийлаштириш учун мурожаат бировнинг ёрдамига муҳтож қариялар ва ногиронлардан келиб тушганда масъул ходим томонидан 15 кун ичида уларнинг яшаш жойига борган ҳолда

Янги туғилган болага идентификация карталари мажбурий берилмасдан, унинг туғилиши ФХДЁ органи томонидан қайд этилиб, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома тақдим қилинганидан сўнг ота-онаси, васийлари (ҳомийлари) ихтиёрига кўра расмийлаштирилади.

Фармон билан Ўзбекистон фуқаросининг идентификация картаси тўғрисидаги ва Ўзбекистонда доимий яшовчи чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг идентификация картаси тўғрисидаги низомилар тасдиқланди.

Ўзбекистон фуқаросининг биометрик паспортни ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахс ва чет давлат фуқароларининг яшаш гувоҳномалари:

биринчи босқичда 2021 йил 1 январдан 2022 йил 31 декабргача ихтиёрийлик асосида;

иккинчи босқичда 2023 йил 1 январдан 2030 йил 31 декабргача мажбурий тартибда идентификация карталарига алмаштирилади.

Ўзбекистон фуқаросининг 2011 йилги намунадаги биометрик паспортни 2031 йил 1 январдан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Идентификация картасини расмийлаштириш учун «Давлат бож тўғрисида»ги қонунда белгиланган миқдорда бож ундирилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 5 январдаги 4262-фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисида»ги низоми ва амалдаги биометрик паспортлар 2030 йил 31 декабргача ҳақиқийдир.

**Азизбек САМАДОВ,**  
Бosh прокуратура бoshқарма прокурори

NAZORAT

## МУРОСАСИЗЛИК – ДАХЛДОРЛИКДАН ДАЛОЛАТ

Прокуратура органларини ҳақиқий халқ прокуратурасига айлантириш юзасидан катта ишлар қилинаёпти. Биз қонун устуворлиги, жазо муқаррарлиги тамойилига қатъий риоя этишимиз шарт.

Жорий йилнинг биринчи ярмида Самарқанд вилояти прокуратура органлари томонидан 408 та жиноят иши юзасидан тергов ўтказилди. Жиноят ҳақидаги 1326 та ариза ва хабар асосида 150 та жиноят иши кўзгатилиди. 1206 таси бўйича терговга қадар текширув ўтказилди. Бу рақамлар аҳолининг жиноятларга муроасасизлиги, ҳуқуқий маданияти ошаётганини кўрсатади.

Инсон жиноятчи бўлиб туғилмайди. Ҳамма ҳам қасддан жиноят қилмайди. Лекин ҳаётда шундай вазиятлар бўладики, инсон жиноятга яқин

муҳитга тушиб қолади. Айримларнинг ҳулқи, яшаш тарзи эса жиноятга мойиллик пайдо қилади. Шу боис профилактик тадбирлар натижасида 4385 та ишсиз, ночор, низоли оила, 1484 нафар ёлғиз аёл, 8751 нафар ичкилик ва гиёҳвандликка ружу қўйган киши, жами 71975 нафар шахснинг рўйхати тузил-

**Жиноят ҳақидаги хабарлар асосида 150 та жиноят иши кўзгатилиди.**

ди. Ҳар бири билан алоҳида иш олиб борилди. Уларнинг 1429 та муаммоси ҳал қилинди. Илгари судланган 1082 киши иш билан таъминланди.

Яна бир ташаббус билан Самарқанд шаҳридаги 3 та маҳаллага камералар ўрнатилиб, профилактика инспекторининг вазиятни доимий кузатиб бориши йўлга қўйилди. Ҳозир яна 3 та маҳаллага камералар ўрнатилмоқда.

Қидирувдаги 98 нафар шахс ушланди, 14 нафар бедарак йўқолган шахс топилди.

Шу даврда барча мутасадди органлар томонидан 1583 та

жиноят иши юзасидан тергов ўтказилди. Терговчиларнинг 447 та ноқонуний қарори прокурорлар томонидан бекор қилинди. Етказилган 41 млрд. сўмлик моддий зарар ундири-

**Қидирувдаги 98 нафар шахс ушланди.**

либ, вилоят бюджетига ҳамда жабрланган томонга қайтарилди.

Шунингдек, жиноят ишларининг терговга жараёнида адолат мезонига алоҳида эътибор қаратилиб, 115 та жиноят иши дастлабки тергов босқичида реабилитация асосларига кўра тугатилди.

Судларда прокурор ваколатини таъминлаш фаолиятимизнинг муҳим йўналишларидан бири-

дир. Вилоятдаги жиноий, маъмурий, фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича судларда кўрилган 27846 та ишда прокурор иштироки таъминланди, 3510 та ишнинг қонунийлиги ўрганилиб, турли инстанцияларда прокурор протести билан суднинг 131 та ноқонуний қарори бекор қилинди ёки ўзгартирилди.

Шу даврда вилоят прокуратураси органларига 13468 та мурожаат келиб тушиб, уларнинг 8347 таси ходимларимиз томонидан ҳал қилинди, 301 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Сайёр қабулларда 5184 нафар фуқаро қабул қилинди.

**Темур КОДИРОВ,**  
Самарқанд вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

Осиё тараққиёт банки Ўзбекистон энергетика соҳасини ривожлантириш учун 200 миллион доллар қарз беради.

1-ОКТАБР 2020-Й.  
ҲУҚУҚ № 39  
(1236)

5



# ҚУЁШ БАРЧАГА БИРДАЙ НУР СОЧАДИ, АММО...

Ўзаро суҳбат чоғида таниш аёл шикоят қилиб қолди: «Бошим касалдан чиқмайди, болаларим, турмуш ўртоғим билан тез-тез касал бўлаяпмиз. Уйимиз биринчи қаватда, бунинг устига атрофимизда баланд бинолар кўп. Уйимиздан туриб қуёшни кўра олмаймиз...».

Сўнгги йилларда пойтахтимиз ва вилоят марказларида қурилишлар жаддалашди. Баланд уйлар, савдо марказлари ва бошқа бинолар шаҳарларимизга кўрк бағишламоқда. Бироқ масаланинг инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ бошқа жиҳати ҳам борки, у ҳақда мутасаддилар ва юрtdошларимизга эслатиб ўтмоқчимиз. Бу инсонларнинг инсоляция, яъни қуёш нурига бўлган узвий ҳуқуқидир.

Одатда кўпчилигимиз инсоляция деганда тиббиётга оид, янаям аниқроқ айтганда, қуёш нури билан даволаш ёки баданни чиқатиришга доир жараёни тушунамиз. Аслида эса инсоляция бино ва иншоотларнинг ички қисми қуёш нури билан қай даражада таъминланганини ҳам аниқлатади.

Қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқ инсоннинг ажралмас ҳуқуқлари сира-сига қиради. Қонунларимизда бу ҳуқуқ ҳақида нима дейилган?

Масалан, «Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш қондалари»нинг 21.1-бандида турар жой бинолари, турар жой

ва жамоат, шунингдек санаят бинолари ўртасидаги масофа қуёш нурининг тушиши (инсоляция) ва ёритилганликни ҳисоблашлар асосида, асосий турар жой бинолари ва хонадонлари ёнидаги ховлиларнинг кўриниши чегаралари, шунингдек ёнғинга қарши талабларга мувофиқ тарзда қабул қилиниши зарурлиги кўрсатилган.

Узокка бормаёлик, бугунги кунда Тошкентнинг аҳоли зич мавзелирида қурилатган кўпқаватли уйлар ёки бошқа бинолар қурилишида шу қондага амал қилинаётганими? Қурилиш ташкилотлари лойиҳаларини экспертизадан ўтказишда инсоляция бўйича талабларга риоя қилинган юзасидан хулоса олинадими?

Эътиборли томони, мазкур қондаларнинг 26-бандида турар жой ва жамоат биноларига 22 мартдан 22 сентябргача кунга 2,5 соат давомида, мактабгача тарбия муассасаларига 3 соат давомида узлуксиз қуёш тушиб туриши кераклиги белгиланган.

Энди ўзимизга савол бериб кўрайлик: фарзандимиз борадиган болалар богчаси биносига қуёш тушадими? Ўзи-

миз яшаб турган хонадон офтоб юзини неча соат кўради?

Юқоридаги қондаларда ҳатто ховлиларда яшовчи аҳолининг бири қурган иморат қўшнисини қуёш нуридан маҳрум қилиб қўймаслиги зарурлиги кўзда тутилган. Лекин уйимиз олдида қутилмаганда бошланган қурилиш бизни қуёшнинг беминнат нуридан маҳрум қилишини билсак-да ҳеч қандай чора кўрмаймиз. Фарзандларимизни сохта қатга қилишга кўниб қўя қоламиз. Имкон топсак, қуёш тушмаслиги сабаб нархи тушиб кетган уйимизни бошқа бир ўзимизга ўхшаган инсонга арзонга сотиб, бошқа жойга кўчиб ўтамиз. Ҳуқуқимизни талаб қилмаймиз.

Ҳуқуқимизни талаб қилиш билан натижага эришиш мумкинми ўзи? Қайси қонун тобора иштакиси очилиб бораётган қурилиш ташкилотлари олдида бизнинг инсоляция ҳуқуқимизни ҳимоя қилади?

Яқин қариндошим яшайдиган тўрт қаватли уй олдидаги майдонда маҳобатли, етти қаватли уйлар қурилиши бошланди. Табиийки, бу ўша жойда яшовчи хонадон эгаларининг норозили-ги сабаб бўлди. Қариндошимнинг айтишича, тегишли ташкилотларга қилган мурожаатлари эътиборсиз қолган. Қурилиш битса, атрофдаги хонадонларнинг аксарияти қуёш нуридан беаҳра қолиши уёқда турсин, бинолар зичлигиндан бу жойларда тузук-қуруқ ҳаво айланишини

ҳам тасаввур қилиш қийин.

Қуёшсиз ҳаёт йўқ. Халқимиз унинг нури тан-жонимиз соғ бўлиши учун қанчалик кераклигини яқши билади. Шунинг учун бўлса керак, қадимдан ота-боболаримиз уй қурса қуёшни ва қиблани мўлжаллаб олишган.

Қуёш нури ва табиий ёруғлик гигиеник, психофизиологик жиҳатдан жуда муҳим. Бунинг Европа олимлари 1920-йилларда аниқлашган. Ҳарвард тиббиёт мактаби олимлари қуёш нуридан беаҳра болаларнинг бронхит астмага мойил бўлиши, таянч-ҳаракат аъзолари яқши ривожланмай қолишини исботлашган. Шунингдек, қуёш нури тушмайдиган биноларда яшаётган ва ишлаётган инсонлар аклий ва жисмоний қобилиятини йўқотиб бораётган экан. Бундай биноларда яшовчиларда юқумли касалликлар, турли вирусларга қарши иммунитет тизими жуда суст бўлиши тиббиётда исботланган. Қуёш нури тегмаган жойда зарарли бактериялар тез кўпаяди. Шунинг учун ҳам ривожланган мамлакатларда шаҳарсозликда инсоляцияга жиддий амал қилинади.

Серқуёш Ўзбекистон дейилиши бежиз эмас, юртимизда ўртача 300 кун қуёшли бўлади. Ундан баҳраманд бўлишга ҳаммамнинг ҳаққи бор.

**Фазилят ЁДГОРОВА,**  
«НУҚУ»

SAYYOR QABUL

## МЕҲНАТ ВА КИТОБ ЯРМАРКАСИ

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ва Тошкент ҳарбий прокуратураси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари кўмитаси, Мудофаа вазирлиги ҳамда Ангрен шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида Ангрен шаҳрида 300 нафарга яқин ҳарбий хизматчилар оила аъзолари, Қуролли Кучлар пенсионерлари ҳамда уюшмаган ёшлар учун оммавий сайёр қабул, шунингдек бўш иш ўринлари ва китоб ярмаркалари ташкил этилди.

Мазкур тадбирларда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Бадий академияси, Мудофаа вазирлиги ҳузурлидаги Жамоатчилик кенгаши, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, «Соғлом авлод учун» ҳуқуматга қарашли бўлмаган

халқаро хайрия фонди вакиллари иштирок этди.


Оммавий сайёр қабул жараёнида фуқаролар давлат ташкилотлари мутахассислари томонидан бевосита тингланди ва мурожаатларнинг аксариятини жойида ижобий ҳал қилиш чоралари кўрилди, муддат талаб этидиганлари эса назоратга олинган ҳолда тааллуқли ташкилотларга юборилди.

Бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркасида тадбиркорлар уюш-

маси, қатор қорхона, муассаса ва ташкилотлар ўзларида мавжуд жами тўрт юздан ортиқ бўш иш ўринлари билан иштирок этди ва қўллаб қатнашчиларга ишга жойлаштириш бўйича тегишли йўлланмалар ҳамда меҳнат қонунчилиги борасида ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Китоб ярмаркаси ҳам кичикқарли ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналари кўргазмаси билан китобхонларга манзур бўлди.

Тадбир якунида ҳарбий



хизматчиларнинг фарзандлари иштирокида расмийлик бўлган кўрик ташлов ўтказилди ва ғолибларга эсдалик совғалар топширилди.

Шунингдек, Чирчиқ ҳарбий прокуратураси ходимлари, Чирчиқ олий танк кўмондонлик муҳандислик билим юрти мастул офицерлари ва Адлия вазирлиги мутахассислари томонидан ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари иштирокида учрашув ўтказилди.

Унда оилада соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, фарзандлар тарбиясида алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган масалалар ҳусусида тушунтиришлар берилиб, ажримларнинг олдини олиш ҳамда бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида маълумотлар берилди.

**Шаҳрух ПУЛАТОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг ёрдამчиси

# ИНСОФ САРИ БАРАКА

2020 йил бутун дунёга кўп синовлар билан келди. Оғир кунлар ҳам ўтар, фақат бироз сабрли бўлсак бўлгани. Давлатимиз қийналган оилаларга имкон қадар ёрдам бериб келмоқда.

**Х**аммаси яхши-ю, бир нарсасга таажжубдан. Чиндан кўмакка муҳтож кишилар, бироз уяччароки ё гуруҳ устунлик қилдимиз, билмадим, ўзининг камбағаллигини доим ҳам ошқор қилавермайди. Берилаётган кўмакни ҳам ийманиб қабул қилишади. Бундайлар бировга юк бўлишни ўзларига эп кўришмайди.

Аммо яна бир тоифа кишилар борки, ундайлар бетимнинг қалини – жонимнинг хузури қабилида иш тутиб, меҳнатсиз роҳатни кўзлашадилар. Айниқса, кейинги пайтда боқимандалик кайфиятидаги одамларнинг кўпайиб бораётгани меҳнаткаш, ориятли халқимизга ярашмайди. Бутун «Бошингни ҳам, ошингни ҳам ейман» деб ҳокимият идоралари эшиги тагида ётиб олганлари ҳам йўқ эмас. Олган ёрдамини олмадим деб тонаётганлар учрамоқда. Шундайлардан бири Самарқанд шаҳри Шарк маҳалласида яшовчи Х.Э.дир. Унинг оиласига «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати доирасида бир неча марта 13 хил махсулот етказиб берилган бўлса-да, мазкур фуқаро шахар прокурорига йўллаган мурожаатида маҳалла томонидан унга ҳеч қандай ёрдам берилмаганини баён қилган.

Шу каби ҳолат Фидойилар маҳалласида яшовчи С.С.нинг, Тойлоқ тумани Қўрғонча маҳалласида яшовчи М.И.нинг мурожаатида ҳам кузатишган.

Юқоридаги ҳолатлар ўрганилганда эса мурожаатчиларнинг важдари тасдиқланмаган. Элда ҳар хил одам учрайди. «Беш кўл баробар эмас» деб шунга айтишса керак. Эл бошига тушган синов кимнинг қандайлигини кўрсатиб қўймоқда.

**Азимжон ҚОДИРОВ,**  
«Нидо»



## РИЗҚ ҒОЙИБДАН ЭМАС, МЕҲНАТДАН

Ижтимоий тармоқда «Шифтидан юлдуз кўринадиган, деворлари кун сайин нураб бораётган кўримсизгина уйда Маҳбуба Бозорова икки фарзанди билан ўн беш йилдан буён яшайди. У мутасаддиларнинг эътибори ва кўпчиликнинг ёрдами билан уйини бузмасдан, томорқа четидан қуриб берилган уч хонали уйни ҳам қабул қилмапти» деган мазмундаги хабарни кўриб, аввалига ҳайрон бўлдим.

**Н**ахотки янги уй фуқарога ёқмаётган бўлса? Балки Маҳбуба опа янги уйда ўзидан-да ночор бирорта кўшиниси яшашини истаётгандир?

Кўп эшитгандан бир кўрган яхши деганларидек, Қумқўрғон туманининг Ариқошди маҳалласи томон йўл олдик. Ҳақиқатан ҳам катта йўлдан эмас, ёлғиз-оёқ йўлдан бориш мумкин бўлган кўримсизгина уйда бўйи етган икки кизи билан яшаётган аёлнинг ахvoli ҳеч кимни бифарқ қолдирмайди. Уй атрофи йиғиштирилмаган. Эшик-даразалари, том усти ва деворлар қўл тегса йиқилар даражага келиб қолган. **Маҳбуба опанинг бетоблиги сабаб иккинчи кизи Нилуфар Дониёрова билан суҳбатлашдик.**

– Болалигимизда ота-онам ажрашиб кетган. 2019 йили бувимдан отам ҳақида сўраганимда аниқ гап айтмаганди. У киши ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз. Иккинчи гуруҳ ногирони бўлган тоғам шу ерда яшайди. Аниқ ёдимда йўқ, 2008 ё 2009 йилда Қашқадарёдан шу ерга кўчиб келганмиз. Тоғам ихтиёридаги ернинг 13 сотихини томорқа сифатида бизга берган. 2019 йилда Қумқўрғон хизмат кўрсатиш коллежининг компьютер йўналишини тамомлаганман. Онам бетоблиги учун хафтасига уч кун ўқиб келардим, қолган кунлари онамга қарардим. Коллежни тугатганимдан буён уйдаман. Ишлай десам иш йўқ. Умида опам тоғамнинг кизи билан Тошкентга бориб тикув цехида ишларди. У турмушга чиқиб кетгандан сўнг опам ҳам бир йилдан буён уйда, ҳеч қаерда ишламайди.

– Нилуфар, ҳозир ёшларни иш билан таъминлашга алоҳида аҳамият қаратишмоқда. Опанинг тикувчилик қилган экан, сиз ҳам коллежни тамомлаган экансиз. «Ҳар бир оила – тadbиркор» давлат дастури асосида имтиёзли

кредит олиб тикувчилик қилсаларингиз бўлмайди? Ҳар ҳолда ҳаракатда баракат дейинган.

– **Опам тикувчиликни билмайди.** Тошкентдаги цехда фақатгина тўғри чокни компьютер машина ёрдамида тиккан. Мен ҳам ҳеч қандай хунарни ўрганмаганман. Қўчада ишлаш бизга тўғри келмайди. Опамни томоғида сурункали ангинаси, букоғи бор. Мен ҳам иссиқда ишломасам керак. Биз пахта териш учун далага борсак, уйда бетоб ётган онамга ким қарайди?

Маҳалла берадиган моддий ёрдамдан бошқа ҳеч қандай даромадимиз йўқ. Нима қилишни, қимдан ёрдам сўрашни билмаймиз. Ҳокимиятнинг биз мурожаат қилмаган бирорта дарчаси қолмади. Мутасадди раҳбарлар ўзларидан билиб ёрдам қилишмайди. Ўйлаб кўринг, ўлдим-ўлдим деб тўрт йил деганда уч хонали уй қуриб берган ҳокимиятдан яна нима кутиш мумкин? Қуриб берган уйнинг ҳам пойдевори қийшиқ, бир ой олдин ёққан ёмғир туфайли томидан томчи томди. Шиферларни ҳам қўл учиди қўйишган. Карантин сабабли етти ойдан буён ҳокимият озиқ-овқат берапти. Карантин бўлмаса, ҳеч ёрдам беришмайди. Ҳокимиятдагилар давлат қуриб берган янги уйни чўнтагидан қуриб бергандек муносабатда бўлишади. Мурожаат қилсак, ўрганишга келишади-да шовқин кўтариб онамнинг қон босимини оширишади. Бирор кун тинчлик йўқ. Биз нима қилишимиз керак, билмаймиз.

Тўғриси, бу гапларни эшитиб бирор изох ёзиш-ёзмаликни билмай қолдим. М.Бозорова ёши катталиги ва бетоблиги туфайли ишлай олмас, аммо икки кизи-чи?! Назаримда, уларнинг ўзи соғлом бўлса-да, фикру хаёллари ва дунёқарашини хаста. Кун бўйи уйда ўтириб зерикмаганига нима дейсиз?!

– Тўғриси айтсам, айтмаган таклифимиз, кўрсатмаган йўл-йўригимиз қолмади, – дейди **Ариқошди маҳалласи раиси Нуриддин Чориев.** – Ўзлари бекорчиликни хуш кўриб, маҳалла берадиган моддий ёрдамга қараб ўтиришади. Маҳалламизнинг бошқа аёллари сингари уларга ҳам иш таклиф қилдик, пахта терими учун шартнома тузайлик деб бир неча марта бордик. Аммо фойдаси бўлмади. Кўп йиллардан буён ахвол шу, меҳнат қилишни хоҳлашмайди. Арзимаган масала юзасидан ҳам биз қолиб туман ҳокимига мурожаат қилишади. Ўтган олти ой ичида туман ҳокимлиги, сектор раҳбари ва ҳомийлар ёрдамида М.Бозорованинг оиласига кўп эмас, оз эмас – 12 марта ёрдам қилибмиз. Маҳалламизда 24 та камбағал оила бўлса, 38 нафар ногиронимиз бор. Уларга ҳам навбати билан ёрдам қиламиз. Айниқса, карантин туфайли қийналиб қолган оилалар сони кўпайди. Уларга имкон қадар ёрдам бераёلمиз. Энди фуқароларнинг ўзи ҳам ҳаракат қилиши керак-да.

Албатта, «Ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди» деб бекорга айтишмаган. Инсон меҳнати, ҳаракати ва рўзгор тутуми билан гўзал.

– Туманимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож 129 нафар аёл бор, – дейди **туман ҳокимиятининг ўринбосари Зулхумор Хидирова.** – Кўпнинг ёрдами билан Маҳбуба Бозоровага уч хонали уй қуриб бердик. Гапнинг очиги, бу аёл ношуқур экан. Шу уйнинг тамал тошини қўйиб бошлаганимиздан то хозиргача биздан норози. Бу хонадонга қилмаган ёрдамимиз қолмади. Tadbirkor ва саховатпеша инсонларни жиқлаштириб, янги уйнинг томини ёпиб, эшик-даразасини қўйдирдик. Тайёр уйга кўчиб ўтишга рози бўлмаёпти. Сабаби шинамгина уйни лойдан эмас, пишк гилдан қурганимиз.

Эҳ, мана сизга яхшиликка муносабат. Нима бўлганда ҳам ориятли, гурури баланд, меҳнатсевар халқ вакили эканлигини унутмайлик.

**Нигина ШОЕВА,**  
журналист

# ХАЛҚҚА АТАЛГАН МАБЛАҒ

## «ТУЯ» бўлиб кетмасин!

Бугун банкка иши тушмаган одамнинг ўзи йўқ. Ахир иқтисодиёт, рўзгор бутлиги, маълум бир иш билан шуғулланиб, фаровонликка интилиш, ҳамма-ҳаммаси айнан банк билан боғлиқ.

**Б**анклар тикувчилик, чорвачилик, хунармандчилик, дехқончиликдан тортиб хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқаришга кредит ажратмоқда. Шу қўлайликдан фойдаланиб, оёкка туриб олганлар талайгина. Аммо давлат томонидан яратилаётган бу шароит кимларгадир эгри йўл билан чўнтак қаппайтириш учун айни муддао бўлаётти.

«Таъминотчи» деб аталган корхоналар чикқан ҳозир. Аслида бунинг ёмон жойи йўқ. Улар банк кредит берган фуқароларга фаолиятини йўлга қўйишга кўмаклашади. Аслида шу ишни тўғри қилса ҳам барака топиб кетишлари аниқ. Аммо айримлар бориға, ҳалоллиға қаноат қилмайди. Уриб қолишни, бошқалар ҳисобига бойиб кетишни истайди.

Мингбулоқлик Бахтиёр Раҳимов ана шундай «ҳожатбарор»лардан. «Науман

baraka savdo» ва «Anvarbek gold invest group» МЧЖларнинг раҳбари бўлган бу йигитнинг иккала корхонаси ҳам таъминотчи.

У кредит олган кишиларга «яхшилик» қилар, яъни ҳисобрақамга тушган пулини фойзага нақдлаштириб беради. Тезда бойиб кетишни истаган бу ишбилармон йигит режасини амалга ошириш учун «Микрокредитбанк»нинг туман бўлиmidан ҳамкорлар топади. Фирма эгаси фуқароларнинг ҳужжатларини тайёрлаб банкка тақдим этар, банк ходимлари эса ҳужжатлари тошширилганлар номига кредит расмийлаштириб, пулни унинг фирмасига ўтказиб беришарди. «Микрокредитбанк»нинг туман филиали бошқарувчиси ҳамда бир вақтнинг ўзиде кредитлаш бўлими бошлиғи бўлган Н.Аҳмаджонов, филиалнинг кредит портфелини юритиш ва мониторинги шўъбаси мудири А.Қўчқоров, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот бўлими бош мутахассиси Ж.Шаропов унинг эгри ниёти амалга ошишида яқиндан ҳамкорлик қилишди. Аслида улар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги «Худудларда аҳолини тadbirkorликка кенг жалб қилиш ва оилавий tadbirkorликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-tadbirkorlar тўғрисида»ги қарори ижросига адолатли ёнда-



шиб, фуқаролар кредитдан тўғри фойдаланаётганини кузатишлари керак эди. Аммо кредит олган одамлар иссиқхона курмас, тикув машинаси ҳам олмас, жон койитиб ўтирмай пулни нақдлаштириб, ўз эҳтиёжига ишлаб юборишарди. Бундан қарз олувчилар ҳам хурсанд, таъминотчи ҳам. Албатта, банкирлар ҳам...

Лекин бу билан на иш ўрни яратилар, на одамлар ишли бўлиб, даромад манбаига эга бўларди.

Шу тарика Б.Раҳимов иссиқхона куриш ва тикув ускунаси сотиб олиш учун кредит олган тўрт фуқарога 100 млн. 380 минг сўм пулни нақдлаштирди. Атиги 27 млн. сўмини кредит олувчиларнинг икки нафарига бериб, қолган 70 млн. 380 минг

сўмини ўз эҳтиёжи учун сарфлаб юборди.

Аммо шодлиғи узокка чўзилмади. Барибир бундай ҳамкорликнинг миси чикди. Таъминотчи етказилган зарарни тўлиқ қоплади. Суд унга жазо тайинлашда қилмишидан пушаймонлиғи, қарамогиде вояға етмаган фарзандлари борлигини инобатга олди. У базавий ҳисоблаш миқдорининг 35 баравари, яъни 7 млн. 805 минг сўм жаримага тортилди. Албатта, банкдаги шоввозлар ҳам жазодан бенасиб қолмади.

**Санжарбек МУЗАФФАРОВ,**  
департаментнинг Наманган вилояти бошқармаси катта инспектори

## ЗАРГАР ҲАҚҚИ «УНУТИЛДИ»

«Тилланинг сариқ жини бўлади» дейдилар. Косонлик А.М.нинг кўнглиға ҳам ана шу жин қўлғула солган бўлса ажабмас. У заргардан олган тилла буюмларини сотиб, яхшигина пул орттирди. Бироқ унинг ҳаққини беришни «унутди»...

**Д**епартаментнинг Косон тумани бўлими тadbirkor Ю.С.нинг мурожаати юзасидан терговға қадар текшириш ўтказди. Унда аниқланишича, фуқаро А.М. Косон туман «Кўҳна қалъа савдо мажмуаси» МЧЖ худудиде заргарлик буюмлари ясаш ва сотиш билан шуғулланиб келаётган тadbirkor Ю.С. ва унинг турмуш ўртоғи Н.Г. билан танишиб, уларнинг ишончини қозонган. 2019 йил июль-август ойларида улардан 136 миллион сўмлик 557 грамм тилла буюмларни алдаб олиб сотган ва пулини ўз эҳтиёжи учун ишлаб юборган.

А.М.га нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суд ҳукми билан жазо муқаррарлиғи таъминланди.

**Шароф ЖУМАЕВ,**  
департаментнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси бўлим бошлиғи

## ДИПЛОМ ҚАЛЪАКИ ЭМАС, АММО...

Хабарингиз бор, авваллари хорижий олий таълим муассасаларини битирган фуқароларимизнинг дипломини нострификация қилиш тартиби анча қийин эди ва кўп вақтни олар эди. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 16 январдаги қарори билан мазкур жараён анча соддалаштирилган.



**Х**усусан, ҳозир Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиғи ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг қўшма қарори билан рўйхати хар йили тасдиқланадиган халқаро эътироф этилган ташкилотларнинг

рейтингида олий таълим муассасалари орасида дунёда 1000 ўриндан бирини эгаллаган хорижий олий таълим муассасаларида таҳсил олган фуқароларнинг дипломи махсус синонларсиз нострификация қилинади. Шунингдек, қарорда синонсуз нострификация қилинадиган

бошқа ҳолатлар ҳам белгилаб қўйилган.

Мазкур қарордан Юқоричирчик тумани халқ таълими бўлимида ижтимоий фанлар услубчиси лавозимида ишлаб келган Асрор Муҳаммадовнинг хабари бор эди. У қонуний иш кўрганида суд мажлисида бошини эгиб ўтирмаган бўларди. Аммо А.Муҳаммадов ноқонуний йўл билан пул ишлашни мақсад қилди.

«Касални яширсанг иситмаси ошқор қилади» деб бежиз айтилмаган. А.Муҳаммадов ҳам бир эмас, ўн тўрт ўқитувчиға сохта гувоҳнома тайёрлаб бериб, қаттиқ янглишди.

14 нафар ўқитувчидан бири туман халқ таълими бўлими тасарруфидаги мактаблардан бириға ишға кириш учун сохта гувоҳномани тақдим қилади. Аслида дипломи нострификация қилинган ҳақидаги гувоҳноманинг қалбакилигидан эгасининг хабари ҳам йўқ эди. Диплом ва гувоҳномани қўлиға олган мактаб директори Ф.Худойбергановада шубҳа уйғонади. Шун-

дан сўнг директор департаментнинг Юқоричирчик тумани бўлимиға мазкур ҳолат бўйича мурожаат қилади.

Ушбу ариза асосида ўтказилган терговға қалар текширувда А.Муҳаммадов 2019 йилнинг март-май ойларида 14 ўқитувчиға Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясида ишловчи таниши орқали дипломи нострификация қилинган тўғрисида гувоҳнома олиб беришни ваъда қилиб хар бир ўқитувчидан 300 АҚШ долларидан, жами 4200 доллар олгани ва сохта гувоҳнома тайёрлаб бергани аниқланди. Тергов жараёнида унинг айбига иқдор бўлишдан бошқа чораси қолмади.

Мазкур ҳолат жиноят ишлари бўйича туман судида атрофлича кўриб чиқилди ва А.Муҳаммадовнинг жавобгарлик масаласи ҳал этилди.

**Уткир НОРБАЕВ,**  
департаментнинг Юқоричирчик тумани бўлими бошлиғи





## ҚАРОР ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 114-моддасига мувофиқ суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

карорига асосан А.Ғойиповга тегишли, Бўстонлик тумани Чимён кешлоғи Янгиовул кўчасида жойлашган 8 сотих ерда ўзбошимчилик билан қурилган девор ва пойдевор бузилиб, ер давлат захирасига қайтарилди.

Шу билан бирга, юртимизда карантин эълон қилинган муносабати билан қийин аҳволга тушиб қолган юртдошларимизга ёрдам бериш мақсадида корхона ва ташкилотларга ҳомийлик қилиш таклиф қилинган эди. Натижада ночор ахволдаги фуқароларнинг қарзларини саховатпеша ташкилотлар тўлаб берди. Шу

тариқа 8541 та ночор қарздорнинг 846,5 млн. сўмлик ижро ҳужжати таомоланди.

Бундан ташқари, вояга етмаган фуқароларнинг моддий таъминотиغا алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада маҳалла фаоллари ва диний идора вакиллари иштирокида қарздорлар билан суҳбат ўтказилиши натижасида 9672 та ҳужжатнинг ижроси таъминланишига эришилди.

**Беҳзод МЕНГЛИЕВ,**  
МИБ Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

МИБ Тошкент вилояти туманларо судининг 2020 йилнинг ўтган даврида 2 трлн. 333 млрд. сўмлик 204469 та ҳужжатнинг ижроси таъминланган. Бундан ташқари, ноконуний қурилмаларни бузиш билан боғлиқ ижро ҳужжатлари юзасидан фуқаролар қурган 863 та ноконуний қурилма бузилди.

Масалан, бюронинг Бўстонлик тумани бўлими томонидан мажбурий ижро ҳаракатларини амалга ошириш давомида фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманларо судининг ҳал қилув

## ТАДБИРКОРЛАРГА КЎМАКЧИМИЗ

Мажбурий ижро бюроси органлари тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиб келмоқда.

Бюронинг Наманган шаҳар бўлимида Наманган туманларо иқтисодий судининг 2020 йил 14 июлдаги қарорига асосан «Наманган истиклол боғи» МЧЖдан «Булоксой балиқлари» оилавий корхонасига 270 144 109 сўм ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати мавжуд.

Мазкур ҳужжати бўлимга 7 сентябрда келиб тушган бўлиб, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонуннинг 23, 86-моддаларига асосан ижро иши юриштириш кўзга тутиш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳамда тарафларга ижро ва маълумот учун юборилган.

Ундирув доирасида қарздорнинг «Миллий банк» Наманган бўлимидаги ҳисобрақамига банд солинган.

Ижро ҳаракатлари давомида қарздорнинг мулкани аниқлаш юзасидан тегишли идораларга сўров юборилиб, жавоблар олинди. Натижада «Булоксой балиқлари» оилавий корхонасининг қарзи тўлик ундириб берилди.

**Акмал ЭРЖИГИТОВ,**  
Бош прокуратура ҳузурдаги МИБ бўлим катта инспектори

## САККИЗ ОЙДА ҚАРИЙБ САККИЗ МИНГТАСИ ҲАЛ ЭТИЛДИ

Суд ва бошқа органлар ҳужжатлари ижросини таъминлаш Мажбурий ижро бюросининг асосий вазифаларидан биридир. Бюронинг Мингбулоқ тумани бўлими 2020 йилнинг 8 ойида умумий миқдори 28 млрд. 854 млн. сўмлик 7538 та ижро ҳужжатини таомоллади.

Масалан, фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманларо судининг 2015 йил 14 мартдаги қарорига кўра Ғулможон Қурбоновдан Шахноза Дадамризаевага ҳар ойлик даромадининг чорак қисми миқдоридан алимент ундириш белгиланган. Мазкур ижро ҳужжати бўйича алиментни вақтида ундириш чораси кўриб келинмоқда. Мазкур жараёнда қарздорга Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 октябрдаги 808-қарори билан тасдиқланган «Алиментларни олдиндан тўлаш, шунингдек, алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров шартномасини тузиш тартиби тўғрисида»ги низомнинг 9-бандига кўра алиментни бола вояга етгунга қадар бериёла ёки беш йиллигини бериёла олдиндан тўлаш мумкинлиги тушунтирилди. Шундан сўнг Ғ.Қурбонов ўз

фарзанди вояга етгунга қадар алиментни тўлаш имконияти борлигини маълум қилиб, ижро усули ва тартибини ўзгартириш ҳақида ажрим чиқариб беришни сўраб мурожаат қилди.

Мазкур мурожаат атрофлича кўриб чиқилиб, Ғ.Қурбонов фарзанди 18 ёшга тўлгунга қадар тўлаши лозим бўлган 30 млн. сўм алиментни олдиндан тўлаб берди ва ижро ҳужжати таомоланди.

Шунингдек, ўтган даврда карантин қондаларини бузган шахслардан 85 млн. сўмлик жарима ундирилди.

**Жаҳонгир РАХИМОВ,**  
МИБ Мингбулоқ тумани бўлими бошлиғи

## ТўЛАНМАГАН СОЛИҚ УНДИРИЛАДИ

Мажбурий ижро бюросининг Қогон шаҳар бўлими йилнинг ўтган даврида ўндан ортиқ ҳужжат бўйича 4 млрд. 948 млн. сўмдан зиёд солиқ қарзини ундирди.

Масалан, Бухоро вилоят давлат солиқ бошқармасининг 2020 йил 28 августдаги «Трубодегаль» унитар корхонасидан 2 млрд. 900 млн. сўм солиқ қарзини Солиқ кодексининг 123-моддаси 4-қисмига асосан мулк ҳисобидан ундириш ҳақидаги қарори ижро этиш учун МИБ Қогон шаҳар бўлимига келиб тушган.

Мажбурий ижро ҳаракатлари давомида қарз тўлик ундирилди.

**Латифжон НУРМУҲАММЕДОВ,**  
МИБ Қогон шаҳар бўлими бошлиғининг ўринбосари

## БЎЙИН ТОВЛАШ ЯРАМАЙДИ

МИБ Навбахор тумани бўлими томонидан 2020 йилнинг ўтган даврида судларнинг алимент ундириш ҳақидаги 50 дан ортиқ ҳужжати қабул қилинди.

Айни пайтда алимент ундируви билан боғлиқ 1150 та ҳужжат давлат ижрочиларининг иш юритишида турибди. Алимент тўлашдан бўйин товлаган 14 кишига нисбатан қидирув эълон қилинган.

Жорий йилда жиноят ишлари бўйича ҳамда маъмурий суд томонидан алимент тўлашдан бўйин товлаган 19 нафар шахсининг иши кўриб чиқилди ва қарздорлардан 1,5 млрд. сўмга яқин алимент ундирилди.

Бундан ташқари, қарзни ундиришга қаратилган чоралардан бири сифатида қарздорнинг чет элга чиқиш ҳуқуқини чеклаш белгиланган. Шу асосга кўра 1150 кишининг чет элга чиқиш ҳуқуқи вақтинча чекланган.

**Назиржон ҒАФФОРОВ,**  
МИБ Навбахор тумани бўлими бошлиғи

## АЛИМЕНТЧИ 15 СУТКАГА ҚАМАЛДИ

Мажбурий ижро бюроси органлари томонидан алимент тўлашдан бўйин товлаб юрган шахсларнинг ҳужжатлари маъмурий судларга тақдим этилиб, уларга нисбатан чора кўрилмоқда.

Хусусан, 3.Сиддиқов фуқаролик ишлари бўйича Асака туманларо судининг 2015 йил 25 сентябрдаги буйруғига асосан Ш.Сиддиқовга фарзандининг таъминоти учун алимент тўлаб бериши белгиланган бўлса-да, ўз вақтида тўламай келган. Алиментдан 22 млн. 79 минг сўм қарзи йиғилиб қолган масъулиятсиз отага маъмурий судда чора кўрилиб, 2020 йил 10 сентябрь куни қарздор 15 суткага қамалди.

Фуқаролик ишлари бўйича Асака туманларо судининг 2019 йил 16 мартдаги буйруғига асосан Р.Алибековга ҳам фарзандининг таъминоти учун алимент тўлаш мажбурияти юкланган. Ўз фарзанди учун алимент тўлашдан бўйин товлаб юрган Р.Алибековнинг ҳам 26 млн. 37 минг сўм қарзи йиғилиб қолган. Унга нисбатан ҳам қонуний чора кўрилди.

Шунингдек, О.Ураимов ҳам фарзандларига алимент тўлашдан қочиб юргани учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддасига асосан маъмурий жавобгарликка тортилди.

**Шавкатбек ХАМИДОВ,**  
МИБ Асака тумани бўлими бошлиғи

Олтиариқ туманининг Полосон шаҳарчасида Р.Б ва Қ.З. шаръий никоҳ орқали турмуш қуришади. Икки фарзандли бўлишади. Бироқ ўзаро келишмовчилик туфайли Р.Б хотини билан ажрашди.

Фуқаролик ишлари бўйича Риштон туманларо суди томонидан унга икки фарзандини моддий таъминлаш мажбурияти юкланган бўлса-да, беш йил мобайнида алимент тўлашдан қочиб юрди. Унга нисбатан қидирув эълон қилинди.

Карантин эълон қилинган кунларнинг бирида қарздор Р.Б. Полосонда кўриниш берди. Бюро қидирув гуруҳи ходимлари олинган хабарга кўра уни беш йилдан буён яшамай келган уйи яқинида ушлади. Ўша кун Олтиариқ тумани маъмурий судида икки фарзанди учун 48 млн. 837 минг сўм алиментни тўламаган Р.Б.га 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланди. Шунингдек, унинг уйидаги эҳтиёждан ортиқча жиҳоз ва ашёлар хатланди. Қарздор қамоқ жазосини ўтаб чиққач алиментни тўлаши керак, акс холда жиноий жавобгарликка тортилади.

**Зоҳиджон МАМАЖОНОВ,**  
МИБ Фаргона вилояти бошқармаси шўба катта суриштирувчиси

Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ўзбекистонлик мигрантларни мослаштириш маркази очилди.

# «ТЕЛЕГРАМ» ДАН КЕЛГАН ХАБАР

Кўнгил иши жуда нозик. Биргина ёлғон ўртадаги муносабатнинг совушига, ишончсизликка олиб келади.



## МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК

### ЁХУД ИНСОН ҲАЁТИ БИЛАН ЎЙНАШМАНГ!

Гулсум Ибодуллаева (исм-фамилиялар ўзгартирилган) йигирма йилдан буён Қонликўл тумани тиббиёт бирлашмасида туғуруқ бўлими мудирининг лавозимида ишларди. Аммо негадир тиббиёт соҳасида етарлича тажрибага эга бўлган шифокор ўтган йил охирида бепарволик қилди, вазифасини лозим даражада бажармади. Оқибатда эса инсон ҳаёти билан боғлиқ жиноятни содир қилди.

2019 йил 12 август. Шу кунги туман тиббиёт бирлашмасига О.Айтжанова исми аёл қон кетиш ва қорнидаги оғриқдан шикоят қилиб келди. Акушер-гинеколог Г.Ибодуллаева уни тиббий кўриқдан ўтказди. Сўнг беморда хомила тушириш амалиёти бажарилди ва шу куннинг ўзиде уни уйига қайтариб юборишди.

Орадан ўн бир кун ўтиб О.Айтжанова туман тиббиёт бирлашмасига оғир аҳволда тез ёрдам машинасида олиб келинди. Бу сафар ҳам беморнинг аҳолини Г.Ибодуллаева ўрганди ва ташхис қўйди. Беморда туҳумдон ёрилиши, қон кетиши ва бачадондан ташқари хомилалдорлик аниқланди.

Шу кунги ўтказилган ультратовуш текширувида беморнинг бачадонида қон борлиги аниқланди. О.Айтжанованинг тиббий баёнида қайд этилаётган ушбу ҳолат одатда беморга дарҳол жарроҳлик амалиёти ўтказишни талаб қиларди. Аммо Г.Ибодуллаева бу амалиётни ўтказмади. Аҳволни кўриб туриб масъулиятсизлик қилди. Оқибатда вақт йўқотилиб, беморнинг аҳоли баттар оғирлашди, орадан маълум вақт ўтиб, тиббий муассасанинг жонлантириш бўлимида вафот этди.

**Савол туғилади, беморнинг ҳаётини сақлаб қолишнинг имкони бормиди?** Албатта, ушбу ҳолат юзасидан мутахассислар жалб қилинган ҳолда ўтказилган текшириш шуни кўрсатадики, бемор О.Айтжанова тиббиёт бирлашмага биринчи бор олиб келинганидаёқ унга нисбатан керакли тиббий муолажа ўтказилмаган. Ваҳоланки, Соғлиқни сақлаш вазирининг 2013 йил 10 сентябрдаги хомилалдорликни сунъий йўл билан тўхтатиш ҳақидаги стандартларни тасдиқлаш ҳақидаги буйруғи талабларига мувофиқ бемордан тахлил учун қон ва суртма олиниши, стационар тартибда назорат қилиниши, ажратмалар миқдори қайта текширилиши, беморга ультратовушли текширувдан қайта ўтиши тавсия қилиниши лозим бўлган. Лекин шифокор Г.Ибодуллаева буларни қилмаган.

Бундан ташқари, иш бўйича ўтказилган қўшимча суд-тиббий экспертизасининг хулосасида О.Айтжанованинг ўлими тегишли амалиётни ўтказиш жараёнида бачадон деворини жараҳатлаш оқибатида қон кетиши натижасида келиб чиққани ва унга юқорида қайд этилган ташхис қўйилганидан сўнг жарроҳлик амалиёти ўтказилганида беморнинг ҳаётини сақлаб қолиш имкони бўлгани кўрсатилган.

Табийки, ўз вазифасини лозим даражада бажармаган шифокор Г.Ибодуллаевага нисбатан жиноят иши кўзгатилиб, суд томонидан атрофлича кўриб чиқилди. Жиноят учун жазо муқаррарлиги таъминланди.

**Азамат ДЖУМАНИЙЗОВ,**  
Қонликўл тумани прокуратураси терговчиси  
**Парахат ХАБИБУЛЛАЕВ,**  
«Нидо»

Шерзод билан Шерали (исмлар ўзгартирилган) ҳар йили Россияга бориб ишлаб келишади. Шерзоднинг икки ўғли бор. Оиласи билан кайнонасиникида туришади. Хотини Наргиза битта киз, онасини ёлғиз қолдирмаслик учун бирга яшайди.

Шерали ҳам оила қуриб, фарзандли бўлди. Ака-ука олис юртга бирга кетишар эди. 2019 йилнинг декабрь ойида улар Москвага учиди. Орадан бир ой ўтар-ўтмас Шерали ортага қайтадиган бўлиб қолди. Унинг шошилинч бу қарорга келишига янғаси Наргизадан келган овозли хабар сабаб бўлди.

«Telegram» тармоғидан келган ушбу аудиохабарда хотиннинг бошқа бир эркек билан ишқий муносабатга киришганига ишора бор эди. Шерали хабарни қайта-қайта эшитиб кўрди. Ундаги овоз хотининики, лекин нотаниш эркек ким экан деган азоб йиғитнинг кўзини кўр қилди. Ишонини ҳам, ишонмаслиқни ҳам билмай аросатда қолди.

«Фуруримни синдирдинг-ку, Моҳигул, наҳот номусингми

қулай фурсатдан фойдаланиб, аёлнинг гапларини ёзиб олди. Қасд олиш иштиёқиде юрган киз ёзуви Россияда ишлаб юрган Шерзодга юборди. Қишлоқда миш-мишлар кўпайди, эр-хотин ўртасида жарлик пайдо бўлди.

Шундан сўнг Наргиза Лоладан кечирим сўради, онасини тиклашда ёрдам сўради. Ўша йилги ўзим гаплашиб юрадиган йиғит эди деб айтишини ҳамда йиғит билан тушган суратини жўнатишини илтимос қилди. «Уйим бузилиб кетмасин» деб ёлворди. Лола Наргиза айтганидай қилиб ёлғон хабарлар жўнатгандан кейин эр-хотин ўртасидаги муносабат юмшагандай бўлди.

Халқимизда «Қушнинг ҳам ини бузилмасин» деган гап бор. Аввало кўнгил хотиржамлигини асраш ўз қўлимизда. Тақдир синовларига бардош бериш барчага насиб қилавермас экан. Бироқ аёл бундан хулоса қилмади. Ўз оиласининг тинчи бузилганда қанчалик азобланган бўлса, бу қисматни овсинига ҳам раво кўрди.

Моҳигулнинг жияни билан

Хотиржам бўлган йиғит яна ишига қайтмоқчи бўлиб чипта олди. Ўша кунги ганишларини кўриб қолиб, бирга овқатланишди. Спиртли ичимлик ҳам ичиди. Сархуш йиғитлар вақт анча кеч бўлганда тарқалишди. Шералининг халоватсиз қуларини эсига тушди. «Ҳаммасига янгам сабабчи», – дея хаёлидан ўтказди у. Унда янғасидан қасд олиш фикри пайдо бўлди. «Ҳозир келаман» деб уйдан чиқди. Ошхонадан пичоқ олиб, енгига яширди. Ваҳожат билан янғасининг уйига борди.

Дарвозани Наргизанинг онаси очди.

– Янгамни чақириб беринг, гапим бор эди, – деди Шерали.

Бу пайтда Наргиза ухлаб қолган эди, онаси уйотгач, ховлига чиқди.

– Янга, нимага бундай қилдингиз?

– Нимани айтаяпсиз? – ўзини гўлликка солди аёл.

– Одамларнинг тинчини бузиб, яна нимани деб сўрайсиз-а? Мана буни сўраялман-да, – деб Шерали аудиоёзувни эшиттирди.

Наргиза ҳеч нимани тан олмади. «Мен қилмадим» деб тураверганидан Шералининг баттар жажли чиқди. Шу пайт енгидеги пичоқ ерга тушиб кетди. Аламу нафрат бир бўлиб



асролмадинг?» деган ўйлар йиғитнинг миёсида тинимсиз айланар, ўзини қўярга жой тополмасди. Охири хотини билан юзма-юз гаплашиш учун уйга қайтадиган бўлди.

Лола Наргизаларга қўшни бўлиб туради. Бир кунги кизга совчи бўлиб келганларга Наргиза уни ёмонлаганини эшитиб қолади. Шундан кейин Лоланинг жажли чиқди.

Бир кунги суҳбат чоғи Наргиза тилидан илинди. Бозорда савдо қилувчи бир йиғит билан гаплашганини Лолага айтиб берди. Нафрати сўнмаган киз

суҳбатидан фойдаланиб, бошқа бир эркек билан суҳбатлашгандай қилиб аудиоёзув тайёрлади. Наргиза Лоладан шу аудиоёзувни Шералига жўнатишини сўрагани, киз кўнмади. Уни ҳам бундай қилишдан қайтарди. Аммо Наргиза овсинига тош отиш фикридан қайтмади.

Шерали уйига келиб, ёзувли хабарни хотинига эшиттирди. Моҳигул овоз ўзиники эканини, бу суҳбат жияни билан бўлганини айтиб берди. Шерали янғасининг қилиғидан жажли чиқди. Оиласига қилган тухмати уни газаб отига миндирди.

қолди, Шерали пичоқни шарт олди-да янғасига урди... Наргизанинг чинқирғини эшитиб онаси югуриб чиқди, лекин кеч қолганди.

Зулматни аёлни «Уйим қўйди, ёрдам беринг» деган фарёди тудди. Ҳеч қанча вақт ўтмай Шералини ИИБ ходимлари олиб кетди.

Суд ҳукми билан Шерали 16 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

**Назиржон ШУКУРОВ,**  
Самарқанд вилояти прокуратураси бўлими АМИБ терговчиси

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсон, прокуратура фахрийси Абдугаппар Салихов табаррук 70 ёшни қарши олмоқда.



У прокуратура органлари тизимидаги фаолияти давомида Тошкент шаҳри ва вилояти прокуратураларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида турли масъул лавозимларда самарали хизмат қилиб, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндошди.

А.Салихов ишлаш даврида ижобий фаолият кўрсатиб, меҳнатсеварлик, изланувчанлик, адолатпарварлик, ташаббускорлик ва ташкилотчилик каби иқтидори туфайли барчанинг ҳурмат-эътиборини қозонди, ишончини оқлади. Бугун сафимизга кириб келаётган ёш ходимлар уни тажрибасини сидқидилдан ўргатган мураббий, меҳрибон устоз сифатида юксак қадрлайди.

Абдугаппар Салиховнинг узоқ йиллик меҳнати ҳуқуматимиз ва прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, "3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси" махсус унвони ҳамда "Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими" кўкрак нишони билан тақдирланган.

Ҳурматли Абдугаппар Салихов, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сийҳат-саломатлик, хонадонингизга файзу барака тилаймиз!

Қонунийликни мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсон, прокуратура фахрийси Албек Байхутов табаррук 70 ёшни қарши олмоқда.



У прокуратура тизимидаги фаолияти давомида Тошкент вилояти прокуратураси органларида турли лавозимларда самарали хизмат қилди. Қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга катта ҳисса қўшди.

Самимийлик ва фидойилик каби фазилатлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари орасида ҳурмат қозонди.

Албек Байхутовнинг узоқ йиллик меҳнати прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, бир неча марта рағбатлантирилган.

Ҳурматли Албек Байхутов, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик ҳамда фаровонлик тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази

## BILASIZMI?

# ХОДИМ ҚАНЧА ВАҚТ ИШЛАШИ МУМКИН?

Ходим иш тартиби ёки меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ ўз вазифаларини бажариши лозим бўлган вақт иш вақти ҳисобланади. Иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига 40 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Олти кунлик иш ҳафтасида ҳар кунги ишнинг муддати 7 соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида эса 8 соатдан ортиб кетмаслиги керак.

Беш кунлик иш ҳафтасида ходимларга ҳафтада икки дам олиш куни, олти кунлик иш ҳафтасида эса бир дам олиш куни берилади. Умумий дам олиш куни яқшанбадир.

Банк ва молия муассасалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат органлари ва ташкилотларда беш кунлик иш ҳафтаси асосида ишланса, таълим ва тиббиёт муассасалари, бошқа корхона ва ташкилотларда иш ҳафтаси олти кунлик.

Агар сиз бирорта корхонага борганингизда, у ерга кириш жойида «Иш вақти соат 9:00 дан 18:00 гача, тушлик соат 13:00 дан 14:00 гача» деган ёзувга кўзингиз туша, демак, у ерда иш беш кунлик иш ҳафтаси асосида ташкил этилган.

Энди буни таҳлил қиламиз. Соат 9:00 дан 18:00 гача иш вақти деб белгиланса, иш вақти 8 эмас, 9 соат бўлиб қолади-ку? Кўриниб турибдики, тушлик учун ажратилган 1 соат иш вақтидан чиқариб ташланган. Эрталабдан тушликкача 4 соат, тушликдан кейин кечгача ҳам 4 соат, жами 8 соат ишланади.

Кўп жойларда кеч соат 21:00 гача ва ҳатто 23:00 гача ишлаётганларни кўрамиз. Шу қонунчиликда мумкинми?

Йўқ, асло мумкин эмас. Агар ходим ўзининг иши билан, масалан, ўз вақтида яқунлай олмаган ишини охирига етказиш мақсадида ва ўз ихтиёри билан иш жойида юрган бўлса, бу бошқа масала. Лекин, мулкчилик шаклидан қатъи назар, иш берувчи ходимини иш вақти тугаганидан кейин иш жойида олиб қолган асло ҳаққи йўқ.

Агар иш вақтидан кейин тунгача ёки байрам (ишланмайдиган) кунлари ва дам олиш кунлари ишлашга зарурат туғилиб қолса, иш берувчи ходимни ишга жалб қилиши мумкинми?

Аслида дам олиш кунлари ходимларни ишлатиш тақиқланади. Бироқ баъзан зарурат юзасидан ходимларни ишга жалб этиш мумкин: иш берувчининг фармоиши бўйича айрим ходимларни дам олиш кунлари ишга жалб этишга алоҳида ҳоллардагина, жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан касбага уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланган асослар бўйича ва тартибда ходимларнинг розилигини олган ҳолда йўл қўйилади.

Иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун камида икки ҳисса миқдорида ҳақ тўланади. Лекин шуни эсдан чиқармаслик лозимки, байрам ёки дам олиш кунларидаги иш ёхуд иш вақтидан ташқари бажарилган иш учун бошқа дам олиш куни берилган тақдирда камида бир ҳисса миқдорида меҳнат ҳақи тўланади.

Баъзи корхона ва ташкилотларда айрим мутахассислар тунда ишлашига тўғри келади.

Ҳўш, тун қачон? Соат 22:00 дан 6:00 гача бўлган вақт тунги вақт деб ҳисобланади.

Агар ходим учун белгиланган кундалик иш (смена) муддатининг камида ярми тунги вақтга тўғри келса, тунги иш вақти муддати бир соатга, иш ҳафтаси муддати ҳам шунга мувофиқ равишда қисқартирилиши лозим. Ишлаб чиқариш шариоитига кўра зарур бўлганда, хусусан ишлаб чиқариш узлуксиз бўлган жойларда, шунингдек бир кун дам олинмайдиган олти кунлик иш ҳафтасида смена бўлиб ишланаётган жойларда тунги иш муддати

кундузги иш муддатига тенглаштирилади.

Юқорида иш вақтидан ташқари ишлар учун камида икки ҳисса миқдорида ҳақ тўланади дедик. Тунги вақтдаги ишлар учун эса бундай эмас. Тунги вақтдаги ишнинг ҳар бир соати учун камида бир ярим баравар миқдорида ҳақ тўланади. Эътиборли томони шундаки, тунги вақтдаги иш учун оширилган миқдорда тўланган ҳақ тариф ставкаларига (мансаб маошларига) қўшилмайди. Тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан касбага уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Ходим учун белгиланган кундалик иш (смена) муддатидан ташқари ҳар қандай кўринишдаги ишларни бажариш иш вақтидан ташқари иш деб ҳисобланади. Иш вақтидан ташқари ишлар, юқорида айтиб ўтганимиздек, фақатгина ходимнинг розилиги билан қўлланиши мумкин. Иш сменасининг муддати 12 соатдан иборат бўлганда, шунингдек меҳнат шариоити ўта оғир ва ўта зарарли ишларда иш вақтидан ташқари ишларга йўл қўйилмайди.

Иш вақтидан ташқари ишнинг муддати ҳар бир ходим учун сурункасига икки кун давомида 4 соатдан (меҳнат шариоити оғир ва зарарли ишларда эса бир кунда 2 соатдан) ва йилига 120 соатдан ортиқ бўлмаслиги керак. Иш берувчи ҳар бир ходимнинг ҳақиқатан ишлаган вақтини, шу жумладан, иш вақтидан ташқари ишлаган вақтини ўз вақтида аниқ ҳисобга олиб бориши шарт.

Иш вақтидан ташқари вақтларда ходимнинг розилигисиз ҳар қандай ишга жалб этиш, шунингдек ходимнинг лавозим мажбуриятига кирмайдиган ишларни бажаришни ундан талаб қилиш ходимни мажбурий меҳнатга жалб этиш деб баҳоланади, бунинг учун қонунда жавобгарлик белгиланган.

Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 51-моддаси 1-қисмига кўра қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлаш базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваридан (11 150 000 сўм) 100 бараваригача (22 300 000 сўм) жарима солишга сабаб бўлади, 2-қисмига биноан ҳудди шундай ҳуқуқбузарлик вояга етмаган шахсга нисбатан (вояга етиш ёши – 18 ёш) содир этилган бўлса базавий ҳисоблаш миқдорининг 70 бараваридан (15 610 000 сўм) 100 бараваригача (22 300 000 сўм) жарима солишга сабаб бўлади.

Акрамжон ХУЖАМОВ,  
ҳуқуқшунос,  
Наманган вилояти



Озарбайжон футбол ассоциацияси ФИФА ва УЕФАга мурожаат қилиб, 13 ёшли футболчи отишма оқибатида қурбон бўлганини маълум қилди.



Tahririyatga kelgan qo'yilmalar taqrig qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

«HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.  
[ ] – tijorat materiali.

Buyurtma v-4343.

15 089 nusxada bosildi.

Og'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: K.ASQAROV  
Sahifalovchi: S.BABAJANOV

Gazeta haftaning payshanba  
kuni chiqadi.  
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston»  
nashriyot matbaa ijodiy uyida  
chop etildi.

Korxonada manzil: Toshkent shahar,  
Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.  
Topshirishi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi  
matbuot va axborot agentligida 2009-yil  
12-oktabrda 0188-raqam bilan  
to'xyatga olingan.

ISSN 2010-7617



9 772010 761004

## ПАКЪЯО МАКГРЕГОР БИЛАН ЖАНГ ҚИЛАДИ

**WBA чемпиони Мэнни Пақьяо  
Конор Макгрегор билан жанг  
олиб боришни тасдиқлади.**

Филиппинлик боксчи жанг учун оладиган гонорарини коронавирус пандемиясидан азият чеккан инсонларга хайрия қилмоқчи.

«Филиппинлик барча коронавирус қурбонлари учун сенатор Мэнни Пақьяо кейинги йил UFC юлдузи Конор Макгрегор билан жанг қилади», – дейди боксчи штабининг баёнотида.



41 ёшли Пақьяо фаолияти давомида 62 ғалаба, 7 мағлубият ва 2 дуранг қайд этган. Макгрегор эса профессионал боксда бир марта рингга чиққан ва унда Флойд Мейвезерга ютказган.

## ФАТИ НЕГА СОВРИН ОЛМАДИ?

**«Барселона» Испания  
чемпионати 3-тур доирасида  
«Вильярреал»га қарши ўйинда  
4:0 ҳисобида ғалаба қозонди.**

«Камп Ноу»да ўтган ўйинда Ансу Фати иккита гол урди.

17 ёшли Ансу Фати ўйиннинг энг яхши футболчисига бериладиган мукофотни олиш ҳуқуқига эга эмас, чунки у воёга етмаган, мукофот ҳомийси эса пиво ишлаб чиқарувчи таникли компаниядир. Айнан шу сабаб «Барселона» химоячиси Жорди Альбани энг яхши ўйинчи деб топишди.



Ўйиннинг 15- ва 19-дақиқаларида рақиб дарвозасини ишғол қилган Ансу Фати бу натижаси билан тарихга кирди.

Фати сўнгги саккиз йил давомида «Барселона» таркибида дастлабки 20 дақиқа ичида дублга эришган биринчи футболчи бўлди.

Эслабти ўтамин, аввалроқ «Барселона» Фатини асосий жамоага олгандаи ва товои пулини 170 миллиондан 400 миллион еврога кўтариб қўйганди.

Фати «Барселона» таркибида 35 та ўйинда майдонга тушди ва 10 та гол урди.



## МАҒЛУБИЯТНИ ҒАЛАБАГА АЙЛАНТИРГАН ЗАРБА

Ўзбекистонлик профессионал боксчилар ўртасида энг ёши каттаси бўлган Шерзод Хусанов икки йиллик танаффусдан сўнг яна катта рингга қайтди.

Польшада ташкил этилган профессионал бокс кечасининг асосий жангида ҳамюртимиз мезбонлар вакили Роберт Паржежевски билан куч синашди. 10 раундлик жангда Робертнинг имконияти юкори баҳоланганди. Чунки ўта кучли зарбага эга боксчи 26 та жангдан 25 тасида зафар кучган ва рақибларини 16 марта нокаутга учратган эди.

Айни кучга тўлган 26 ёшли Роберт Паржежевскига қарши рингга чиққан Шерзод Хусанов эса фаолиятида икки марта бир неча йиллик танаффус олган. Профессионал боксчилик фаолиятини 2007 йилда бошлаган ҳамюртимиз 2014 йилгача 18 та ғалаба ва битта дуранг билан бокс тушишни тўхтатди. Орадан уч йил ўтиб, яна қўлқопни қўлга олиб, кетма-кет учта жангда зафар кучди.

Хусанов фаолияти давомида россиялик Кирил Самодуров, Максим Чemezov, Тимур Нергадзе, Александр Валиахметов ва эстониялик Павел Семёнов каби боксчиларни биринчи бўлиб енга олган.

Бундан икки йил аввал Польшада мезбонларнинг енгилмас боксчиси Дамьян Жонакка қарши ўтказилган ўйин Шерзод Хусановга кимматга тушди. Ҳакамлар тенг курашлар остида ўтган ўйинда очколар ҳисобидаги ғалабани мезбон боксчига бериб юборди. Жонак фаолиятидаги 41-муваффақиятини тантана қилган бўлса, Шерзод биринчи бор

рингни боши эгик холда тарк этди. Шундан сўнг икки йил дам олган ўзбек боксчиси яна рингга қайтди. Фаолиятини ғалабали серияси тўхтаган Польшадан бошлади.

Роберт Паржежевски билан бўлган жанг мезбон боксчининг устунлигида бошланди. Польшалик чарм қўлқоп устаси дастлабки раундни ўз фойдасига хал қилди. Бирок катта тажриба соҳиби бўлган 40 ёшли Шерзод Хусанов иккинчи раундда қулай фурсатни пойлаб, битта кучли зарба билан рақибини рингга кулатди.

Шерзод фаолиятидаги 22-ғалабасини қўлга киритган бўлса, Паржежевски беш йилдан сўнг иккинчи марта мағлубиятга учради. Бу Роберт учун профессионал боксдаги биринчи техник нокаут бўлди.

Шу ўринда Шерзод Хусанов ўз даврида хаваскорлар боксда ҳам муваффақиятли фаолият олиб борганини таъкидлаш лозим. Фаргона бокс мактаби тарбияланувчиси жаҳон ва Осиё чемпионатларининг биттадан кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлган. Осиё ўйинларида совринли ўринларни эгаллаган.

Шерзод Хусанов мамлакатимиз шарафини халқаро майдонда муносиб химоя қилгани учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи» ва «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвоплари билан тақдирланган.

## НОЯБРДА ИККИТА ЎЙИН

**Футбол бўйича Ўзбекистон  
миллий терма жамоаси «ЖЧ-  
2022» ва «Осиё кубоги-2023»  
қўшма саралаш босқичига  
тайёргарлик режасига асосан  
ноябрь ойидаги ФИФА  
қулларида ўқув-машғулот  
ийғини ўтказди.**

БААда ташкил этиладиган мазкур йиғин доирасида терма жамоамиз иккита халқаро ўртоқлик учрашувида майдонга тушади. Бу ҳақда ЎФА матбуот хизмати хабар берди.

Вадим Абрамов бошчилигидаги миллий жамоамиз 12 ноябрь куни Сурия терма жамоаси билан ўйнайди.


Дубайда ўтадиган машғулотлар давомида терма жамоамиз Ирок вакиллари билан куч синашади. Мазкур ўртоқлик ўйини 17 ноябрда ўтказилиши режалаштирилган.

## САККИЗИНЧИ ЛИГАДА ЮРГАН ЮЛДУЗ

**Ўз вақтида «Ливерпуль»,  
«Челси» ва «Манчестер  
Сити»да порлаган истеъдодли  
футболчи Даниэль Старриж  
Туркиядаги фаолиятидан  
сўнг Англия чемпионатининг  
саккизинчи дивизионидаги  
«Кидсгроув Атлетик»  
жамоасига қўшилган эди.**

Старрижнинг ўзи Европанинг катор клубларидан таклиф олаётганини, бироқ максоди Англияда тўп суриш эканини таъкидламоқда.

Жорий мавсумни муваффақиятсиз бошлаган «Шеффилд Юнайтед» эса айнан Даниэль Старрижга эътибор қаратди. Моҳир ҳужумчи бу таклиф орқали яна Англия премьер-лигасига қайтиш имконига эга бўлди.



Ҳозирча иккита ўйинда рақиблар дарвозасига йўл топа олмаган «Шеффилд Юнайтед» бош мураббийи Крис Уайлдер жамоага керак бўлган голларни айнан Старриж киритишига ишонмоқда.

## ТОТТИ УНИ ҲАЁТГА ҚАЙТАРДИ

**Италия терма жамоасининг собиқ  
футболчиси Франческо Тоттининг  
видеомурожаати «Лацио» футбол клубининг  
20 ёшли ўйинчиси Иления Матиллининг  
командан чиқишига ёрдам берди. Бу ҳақида  
«La Repubblica» хабар тарқатди.**

Иления Матилли йўлдаги авария оқибатида 9 ойдан буён комада қолаётган эди. Ўзининг танишлари орқали бундан хабар топган Тотти Иленияни қўллаб-қувватлаб мурожаат йўллади. Шифокорлар Франческонинг овозини қайта-қайта қўйиб беришгач, Матилли ўзига келди. Орадан бир неча кун ўтиб қиз Тотти билан учрашди.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди